



# MILLIY TIKLANISH

37 (150) ● 2011 йил 21 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
www.milliytiklanish.uz ● 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## Туризм

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда бир қанча туристик фирмалар, меҳмонхоналар, қатор туроператор ва турагентликлар фаолият олиб бормоқда. Қолаверса, бугун мамлакатимизда туризм равнақи, юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августда қабул қилган "Туризм тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси, туризм бўйича Самарқанд декларацияси каби бир қанча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди.



## Европадаги молиявий бўҳрон

HSBC банки таҳлилчилари Америка агентликлари Греция кредит рейтингини пасайтиришга кеч қолганига ургу берар экан, 2010 йилнинг бошларидаёқ Греция ташқи қарзи ЯИМнинг 120 фоизидан ортиб кетганига ишора қилмоқда. Европа сиёсатчилари томонидан ёғилаётган танқидларга қарамай, бу "йирик учлик" фаолияти инвесторлар томонидан юқори баҳоланмоқда.



## Тўрт унсу мўъжизаси

Тошкентнинг Кўкча Дарвоза даҳасига йўлингиз тушса, Раҳимовлар оиласи истиқомат қиладиган ва бир неча йиллардан бери муҳлислар ва санъатга ошно инсонларни бағрига қорлаётган Тошкент кулолчилик мактаби аъналарини замонавий руҳда давом эттираётган хонадонга албатта кириб ўтинг.

## 6 ЖАРАЁН

## 7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## 8 КЎЗГУ

### ● МИЛЛИЙ ҒОЯ



# Ворисийлик ва маънавият уйғунлиги

*Ворисийлик маънавиятнинг уқ илдизи, асосий таянчи, аждодларимизнинг бебаҳо мероси деган таъбирлар Юртбошимизнинг фикрларидир. Биз зиёлиларнинг асосий вазифаси ана шу пурмаъно тушунчалар мазмун-моҳиятини ёш авлод онгига синдириш ҳамда уларнинг ҳаётий дастуриламаларига айлантиришдан иборатдир.*

Юртбошимиз томонидан ворисийлик масаласига ижтимоий барқарорликни таъминловчи энг устувор омил ҳамда қомил инсон маънавиятини белгиловчи бош мезон сифатидаги ўрни ва аҳамиятига доимий равишда ургу бераётганликлари, жамоатчилик эътиборини мазкур масалага мунтазам қаратиб келаётганликлари бежиз эмас.

Дарҳақиқат, Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида айтганидек, маънавият қомил шахс интеллектуал ва руҳий оламнинг ҳаракатлан-

тирувчи кучи бўлса, тарихий хотирага эгалик, аждодлар меросини ўзлаштирганлик яъни, бир сўз билан айтганда, ворисийлик маънавиятнинг мустаҳкам пойдеворидир. **Демак, қомилликнинг асоси маънавият бўлса, маънавият озик оладиган, таянадиган бош манба ворисийлик ҳисобланади.** "Маънавият соҳасидаги ишларимизнинг пировард мақсади, - деб таъкидлайди Юртбошимиз, — имон-этиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шаклланти-

ришдир. Яъни, мустақил дунёқарашга эга, **аждодларимизнинг бебаҳо мероси** ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган барқарор шахс — қомил инсонни тарбиялашдан иборат".

Шундай экан, ворисийлик халқ маънавиятининг қалби, ҳаракатлантирувчи кучи, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги кўприк, кеча ва бугун ўртасидаги диалектик уйғунликдир. Дунё халқлари минг йиллар мобайнида ўз анъана ва урф-одатлари, маросим ва байрамлариға содиқ қолиш уни ҳар қандай таъсир ва таъйиқлардан ҳимоялаш орқали турли даврлар, аждодлар ўртасидаги маънавий яқдилликни таъминлаганлар ҳамда миллий ўзлигини, менталитетни сақлаб келганлар.

4-бет

### ● ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

# Миллий ахборот макони

УНГА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ — ДАВР ТАЛАБИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар, ҳуқуқшунослар, экспертлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.*

Йиғилишда Қўмита томонидан "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги (ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этиш, ОАВнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш нўқтаи назаридан) Қонунларнинг Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш яқунлари кўриб чиқилди.

4-бет

### ● ТАНЛОВ

## Юксак маънавият ва барқарор авлод

Миллий матбуот марказида "Маънавият ва ёшлар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, "Қомолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда турли ташкилот ва идора раҳбарлари, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ҳамда ёшлар иштирок этди. Тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган тўб ислохотлар замирида ёш авлодни маънан етук, жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, ўғил-қизлар маънавиятини, тафаккури ва бадиий дидини янада юксалтириш, уларни "оммавий маданият" таъсиридан асраш ҳамда онгу шуурига миллий истиқлол ғояси тушунчаларини синдириш мақсади ётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, йиғилишда ўтган йигирма йил давомида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан олиб борилган ишлар, ёшлар маънавиятини юксалтириш йўлидаги чора-тадбирлар атрофлича муҳокама қилинди.

Матбуот анжуманида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан юртимиздаги маънавий-маърифий, ғоявий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилган ислохотларнинг моҳиятини ўрганиш, уни тарғиб этишга йўналтирилган 74 нонда китоб, монография ва рисоалар чоп этилганлиги қайд этилди.

Азима ҚИЁСОВА

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

### ● МУЛОҚОТ

# Ислохотларнинг янги босқичи

ЯНАДА ФАОЛЛИК ТАЛАБ ЭТАДИ

ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Комилжон Отахонов билан суҳбат

— Бугунги кунда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар муҳим роль ўйнаб, уларнинг зиммасига алоҳида вазифалар юкланган. Ушбу вазифаларни бажариш юзасидан ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгаши қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Истиқлол йилларида мам-

лакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида салмоқли қадамлар ташланди. Юртимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич ва изчил ривожланиб бормоқда. Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузаси ва унга мувофиқ қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-

нинг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партиялар ўрни ва нуфузини янада оширди. Бугунги давр сиёсий партиялар ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаоллигини ошириш, сиёсий онг ва маданиятни юксалтиришдек долзарб вазифаларни юклаганда ҳам бу ўзидан партиялардан янада фаоллик талаб этади.

2-бет

### ● ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

# Мустақиллик — олий саодат

ШИОРИ ОСТИДА ФОРУМ ЎТКАЗИЛДИ

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, аёлларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли, фаол аъзосига айлантиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ бугунги кунда хотин-қизларни олий қонунийлик органилари, жойлардаги вакилик органилари ва ижро ҳокимиятидан тортиб, суд-ҳуқуқ, маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш тизимларида фаол иштирок этаётганининг гувоҳи бўлаёلمиз.*

ЎЗМТДП Марказий Кенгаши лоят хотин-қизлар Қўмитаси, вилоят ҳокимлиги Маданият ва

спорт ишлари бошқармаси, Иштихон туман ҳокимлиги, Тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси вилоят Кенгаши, Ўзбек жанг санъати федерацияси вилоят бўлими ва Шахмат федерацияси вилоят бўлими билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб "Мустақиллик-олий саодат" шиори остида ўтказган форумда юртимиз хотин-қизларининг демократик ўзгаришлар жараёнидаги иштироки, профессионал малакаси ва маҳорати тўғрисида сўз борди.

2-бет

### ● ТАДБИР

# Маҳалла — қадриятлар маскани

*Бугун юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар муваффақиятини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Мустақиллик йилларида тикланган қадриятимиз, Ватан ичра мўъжиз Ватан дея ном олган маҳаллаларда амалга оширилаётган эзу ишлар халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, шаҳару қишлоқларимизнинг янада обод ва кўркем бўлишига хизмат қилмоқда.*

3-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

### ● МУЛОҚОТ

# Ислохотларнинг янги бошқичи

ЯНАДА ФАОЛЛИК ТАЛАБ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)



Бу борада ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгаши томонидан Концепцияда илгари сурилган гоя ва қонунчилик ташаббусларини кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг сиёсий ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жорий "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ва партия дастурий мақсадлари ижросига бағишланган қатор тадбир, давра суҳбати, ўқув-семинар ҳамда фестиваллар ўтказилмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида турли мавзуларда 500 дан зиёд тадбирлар ташкил этилди. Бу нимани аниқлатади? Энг аввало, партия фаолиятини жамоатчилик ўртасида тарғиб-ташвиқ этиш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини етказиш ва фуқароларда юрт истиқболи учун дахлдорлик туйғусини ўстиришга хизмат қилади. Жумладан, вилоят Кенгаши томонидан Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган Андижон шаҳрида анъанавий "Сенга жоним фидо, Ватан" шиори остида ўтган ёшлар фестивалида 20000 дан зиёд аҳоли иштирок этди. Бундан ташқари "Миллий тикланиш партияси ёшлар нигоҳида", "Ёшлар Концепцияни ўрганиш", "Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 тул кўчат менинг туфҳам", "Мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини оширишда ёшларнинг ўрни", "Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас" каби мавзуларда ўтказилган тадбирлар ёшларни Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги йўлида бирлаштириш, уларни мустақил ва ижодий фаолиятга йўналтирувчи бунёдкор гоялар руҳида тарбия топшишга замин яратиш шубҳасиз. Шунингдек, "Тадбиркорлик ривожига кенг йўл", "Аёл тадбиркор, ишбилармон, ташкилотчи", "Тадбиркор элга мададкор", "Агар аёл тадбиркор бўлса", "Ёш тадбиркорлар" каби мавзулардаги тадбирлардан кўзланган мақсад ҳам мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилди.

— **Партиянинг дастурий мақсад-гоялари ва сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида БПТлар фаолиятига бир назар солсак.**

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий дастурий мақсадлари ҳақида гапирганимизда, энг аввало, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, миллий анъаналарни ва қадриятларни тиклаш ва уларни сақлаб қолиш тарафдорлари бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш сингари вазифалар кўз олдимизда гавдаланади. Буни амалга оширишда партиянинг қуйи бўғини — бошланғич партия ташкилотлари алоҳида ўрин тутди. Шу боис партия Марказий Кенгаши томонидан 2011 йил "Худудий Бошланғич партия ташкилотлари йили" деб эълон қилинди. Саволингизга қайтайдиган бўлсак, бу борада ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгашида қуйи бўғин фаолиятини жонлантириш бўйича ишчи гуруҳ тузилиб, шаҳар, туман Кенгашларида БПТлар фаолиятини яхшилаш бўйича алоҳида вазифалар юкланди. Хусусан, ЎЗМТДП Пахтаобод туман Кенгаши томонидан Файзобод МФИда "БПТлар фаолиятини кучайтириш партия устувор вазифаларидан

биридир" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда БПТлар фаолиятини кучайтириш кун тартибидеги энг долзарб масала сифатида муҳокама қилинди. Шунингдек, ЎЗМТДП Бўз, Улуғнор туман Кенгашларининг пленумида ҳам қуйи бўғинлар фаолигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу тажриба ўз самарасини бермоқда.

— **ЎЗМТДПнинг ҳар бир ташкилоти ўз фаолиятини доимо танқидий таҳлил қилиш амалиёти шаклланган. Шу жиҳатдан вилоят партия Кенгаши фаолиятига назар соладиган бўлсак, энг аввало қандай камчиликлар кўзга ташланади?**

— Дарвоқе, мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар ҳар бир сиёсий партиядан ўз фаолиятини қайта кўриб чиқиш, танқидий таҳлил қилиб, йўл кўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этишни тақозо этади. Бугунги кунда ЎЗМТДП Андижон вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари томонидан партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бироқ фаолиятимизни ОАВда ёритилишига партия шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари фаоллиги ҳам етарли даражада эмаслиги фаолиятимиздаги асосий камчиликлардан биридир. Партиямиздан сайланган депутатлар сессиялар минбаридан ЎЗМТДП электорати манфаатини ҳимоя қилиш, дастурий мақсадларимиздан келиб чиқиб муқобил рағбат лойиҳаларини илгари суришда етарли ташаббус кўрсатишмаяпти.

Партия ва депутатлар ҳамкорлигини жонлантириш мақсадида "Депутатлар иши таҳлили" мавзусида шаҳар, туман Кенгашларида ҳар ойда бир мартаба йиғилиш ўтказилиши йўлга қўйилди. Бунда туман Кенгаши депутатларининг ойлик ҳисоботлари тингланиб, фаол депутатларга рағбат ва ўз фаолиятида суст-кашликка йўл қўяётган депутатлар очiq ойдin танқид қилинаётгани ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Масалан, худди шундай давра суҳбати 2 август кунини Шаҳрихон туманида ўтказилди. Бунда Халқ депутатлари Шаҳрихон туман Кенгаши депутатлари фаолиятлари таҳлил қилиниб, олти ойлик ҳисоботи тингланди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар берилди.

Хулоса ўрнида алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизда тинчликни сақлаш, халқимизнинг фаровонлигини оширишга кўмаклашиш бош мақсадимиз. Бу йўлда ҳар биримиз фаоллик кўрсатишимиз лозим.

**Суҳбатдош:**  
**Камалиддин ҲОТАМОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирни очган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ш.Умарова аёлларнинг жамияти ва давлат бошқарувидаги фаоллигини ошириш борасида мамлакатимизда ва ЎЗМТДП "Аёллар қаноти" томонидан амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Э.Қайтаров ва таниқли хонанда Р.Тўхтаевнинг инсон қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини уйғотувчи кўшиқлари форум иштирокчиларига ўзгача завқ, кўтаринки кайфият бағишлади. Шунингдек, Ўзбек жанг санъати федерацияси Самарқанд вилоят бўлими спортчилари томонидан саҳналаштирилган чикишлар барчада катта қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, 20 нафар хотин-қиз 20 та номинация бўйича партиянинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Мазкур форумда иштирок этиб, давлат бошқарувида аёлларнинг ўрни нечоғли салмоқли эканлигига яна бир бора амин бўлдим, — дейди йиғилиш иштирокчиси Дилобар Кенжаева. — Тадбирдан олган билим ва кўникмаларим келгуси фаолиятимда муҳим аҳамият касб этишига ишончим комил.

Йиғилиш доирасида миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Аёлларимиз томонидан яратилган гўзал ва мафтункор каштачилик, дўппидўзлик ва қуроқчилик намуналари тадбир иштирокчиларига ўзгача қизиқиш уйғотди. Шунингдек, вилоят Шахмат федерацияси билан ҳамкорликда ташкил қилинган учрашувда 18 ёшгача бўлган 10 нафар иштирокчи шахматчи қиз Ўзбекистон чемпиони Шоҳиста Мўминова билан шахмат ўйнади. Мазкур беллашувда юқори натижа кўрсатган иштирокчи М.Эштурдиева ғолиб деб топилди.

Қизилтепа туманида ЎЗМТДП Навоий вилоят Кенгаши томонидан мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган "Мустақиллик олий саодат"

### ● ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

# Мустақиллик — олий саодат

ШИОРИ ОСТИДА ФОРУМ ЎТКАЗИЛДИ



шиори остида хотин-қизлар форуми ўтказилди. Унда ЎЗМТДП вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари аъзолари, "Аёллар қаноти" фаоллари, МФИнинг диний-маърифат, ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Форум худуддаги хунармандлар ижодий ишларининг кўргазмаси билан бошланди.

Тадбирни очган ЎЗМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари А.Бобомуродова мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, юрт равнақи, озода ва обод Ватан тараққиётига қаратилган изчил ислотлар жараёнида хотин-қизлар иштирокчини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, форумда "Миллий тикланиш ва тарғиб-ташвиқ" асосий амалга оширишда хотин-қизларнинг ўрни мавзусида тақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" раҳбари Шаҳноза Расу-



лова шундай деди: — Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлатимиз томонидан ҳимоя қилиниши қатор қарор ва фармонларда ўз ифодасини топмоқда. Бугунги жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнида хотин-қизлар, хусусан, ЎЗМТДП "Аёллар қаноти" аъзолари ҳам фаол иштирок этаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, хотин-қизлар фаоллигини ошириш, улар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган турли акция, давра суҳбати, очиқ мулоқот ва учрашувлар ўтказилмоқда. Бу каби тадбирлар аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигининг ошишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Тадбир давомида сўз олган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Меҳринисо Пардаева мустақиллик берган имкониятлар самараси ўлароқ уларнинг истеъдо-

ди ва қобилиятлари юзага чиқиб, жамиятдаги мавқеи ортиб бораётганлигини таъкидлади.

Форум доирасида "Миллий либослар дизайнери", "Моҳир миллий кўшиқ ижрочиси", "Энг фаол тележурналист", "Энг фаол депутат аёл", "Миллий урф-одатларимиз тарғиботчиси", "Энг яхши миллий спорт ўйинлари аёл мураббийси", "Энг яхши миллий мато тўқувчиси", "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши маънавият тарғиботчиси" каби номинациялар бўйича иштирокчи аёлларга ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари ҳамда ЎЗМТДП Навоий вилоят Кенгашининг фахрий ёрликлари топширилди.

Тадбир якунида вилоят санъаткорлари томонидан тайёрланган "Ватан маънавияти" мавзусидаги концерт дастури намойиш этилди.

**Камалиддин САИДУЛОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

### ● ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

# Тадбиркорлик — тараққиёт омили

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг Навоий вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар, тегишли идора ва ташкилотлар масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси Б.Иминов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли таромадларини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Мазкур соҳа вакилларининг юртимиз ялпи ички маҳсулотига улуши йил сайин ортиб бормоқда.

Буни Навоий вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2010 йилда вилоят ялпи худудий маҳсулотига кичик бизнес улуши 34,4 фоизни ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан 3,2 фоиз ошди. Ҳозирги кунда вилоятда рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сони 14 мингга яқин, иш билан банд аҳолининг 56,4 фоизи айнан ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Тижорат банклари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу соҳага 90,6 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди, натижада вилоятда 7,6 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатадиган инфратузилма тобора такомиллаштирилмоқда. Айни пайтда вилоятда 32 миля банк, 50 ёкигимойлаш шохобчаси, минерал ўғитлар тарқатадиган 36 шохобча, 49 муқобил машина-трактор парки, ахборот-консалтинг хизмат кўрсатувчи кўплаб бўлимлар ва агрофирмалар фермер хўжалиқларига ақиндан кўмаклашаётди.

Йиғилишда вилоятда бу борадаги айрим камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, назорат қилувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи идораларда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига риоя этиш аҳоли кўнгилдагидек эмас. Хусусан, мазкур йўналишда 6 минг 770 қонунбузилиш ҳолати аниқлангани шундан далолатдир. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларга ер ажратиш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш, лицензия ва бошқа турдаги руҳсатномалар бериш, текшириш ўтказиш ва бошқа масалаларда қонунчилик талаблари бузилишига йўл қўйилмоқда.

Таҳлиллар вилоятда саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларидаги хусусий тадбиркорлик субъектлари хали етарли даражада ривожланмаётганини, айрим туманларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг етарли даражада шаклланимаётганини кўрсатди. Навоий вилоятининг саноат салоҳияти эса гоёта юқоридир. Жорий йилнинг дастлабки ярмида тадбиркорлик субъектларининг саноатдаги улуши бор-йўғи 4 фоизни ташкил этгани мазкур соҳаларга эътиборни янада кучайтиришни тақозо қилаётди.

Йиғилишда Навоий вилоятида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун ижросини янада такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар билдирилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

**Жиззах педагогика коллежида вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан фуқаро муҳофазасига бағишланган тадбир ўтказилди. Ўқув машғулотига зилзила ва бошқа техноген ҳодисалар юз берган пайтда одамларни эвакуация қилиш тартиб-қоидалари амалий машқлар ёрдамида кўрсатиб берилди.**

## Фуқаро муҳофазасига бағишланди

Тадбир асосида вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси мутасаддилари фуқаро муҳофазаси йўналиши бўйича билим юртида амалга оширилаётган ишлар, ўқитувчиларнинг бу борадаги билим ва малакаси, ўқувчиларнинг тайёргарлиги, дарсларда кўргазмаларни қуроллардан фойдаланишнинг аҳоли билан яқиндан танишиди. Айниқса, намунали жиҳозланган «Фуқаро муҳофазаси хонаси», «Фуқаро муҳофазаси бурчаги» тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— Коллежда фуқаро муҳофазаси ишига жиддий эътибор берилаётганига амин бўлдик, — дейди вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси масъул ходими Ҳамроқул Каримов. — Билим юрти жамоасининг фавқулодда вазиятлар чоғида тўғри ҳаракатланишни янада кенгроқ тушуниришга қаратилган тадбирда катта қизиқиш ва масъулият билан иштирок этгани уни ижтимоий ўтишини таъминлади.

Соҳа вакиллари таъкидлашча, ҳар бир одамнинг эҳтимоли мавжуд табиий ва техноген офатлар пайтида тўғри ҳаракат қилиш қоидаларини яхши билиши кўриладиغان зарарнинг олдини олиш, уни камайтириш имконини беради.

Тадбирда мавзуга оид слайдлар, видеофильмлар намойиш қилинди. Коллеж жамоасига фуқаро муҳофазаси бўйича кўргазмаларни қуроллар, эслатмалар, услубий кўлланимлар, буклетлар тақдим этилди.

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ХРОНИКА

## Миллий қадрият ва урф-одатларимиз

**БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГА**

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ЎзМТДП Тахиятош шаҳар Кенгаши томонидан «Хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтиришда сиёсий партияларнинг ўрни» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ЎзМТДП шаҳар Кенгаши аъзолари ва партия «Аёллар қаноти» етакчилари ҳамда шаҳар Халқ таълими бўлими ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Тахиятош шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари А.Аллашова хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий билимларини юксалтириш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат тўйғусини шакллантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шунингдек оилада ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда бу каби маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни жойларда тез-тез ўтказиш юзасидан таклифлар билдирилди.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Пойтахтимиздаги «Журжоний» спорт мажмуасида ЎзМТДП Учтепа тумани ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Кенгашлари, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими, туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Соғлом она – соғлом келажак» мавзусида мусобақа ўтказилди. Унда спортнинг волейбол, стол тенниси, югуриш, шахмат ва гимнастика йўналишлари бўйича 53 нафар аёллар ўзаро беллашди.

— Ўртимизда аёлларни спортга кенг жалб этиш, шу орқали улар саломатлигини асраш ва соғлом фарзанд туғилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дейди ЎзМТДП Учтепа туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Муҳайё Мўминова. — Мазкур тадбир ҳам хотин-қизларнинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мусобақа ғолибларига ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

### ЖИЗЗАХ

Миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни қайта тиклаш, жаҳон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимиз меросини ўрганиш, улар қолдирган маънавий меросдан келажак авлодларни хабардор қилишга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифасидир. Бу борада партия ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда турли тадбир, ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиб келмоқда.

ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Миллий қадриятлар барҳаёт» мавзусидаги давра суҳбати ҳам ана шундай мақсадлар рўёбига қаратилди. Жиззах вилояти Ўлкашунослик музейида ўтказилган мазкур тадбирда ЎзМТДП вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, партия «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти» етакчилари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, музей ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Музейлар ўтмишининг ойнаси, - дейди ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши «Аёллар қаноти» етакчиси Ш.Мусаева. — Ундан мамлакатимиз тарихига оид кўплаб маълумотларни олиш мумкин. Шу жиҳатдан бу масканлар халқимиз маданий меросини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бу каби тадбирлар юртдошларимизда ватанимиз тарихи ва аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросга доир билимларини ошириш имконини беради.

Тадбир сўнггида музейга уюштирилган саёҳат иштирокчиларда бой тарихий меросимиз дурдоналари билан яқиндан танишиш имкониятини яратди.

### БУХОРО

ЎзМТДП Шофиркон туман Кенгаши «Ёшлар қаноти» томонидан мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — Ватаним менинг» шиори остида ёш расомлар кўрик-танлови ўтказилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши аъзолари, партия «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти» етакчилари, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими устуворлари, туман ижодиёт маркази, «Қамолот» ЁИХ туман Кенгаши ходимлари ва ёш расомлар иштирок этди.

Тадбир тумандаги истеъодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шарт-шароит яратиш ҳамда улар меҳнатларини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди. Танловда ёш расомнинг ижодкорлик маҳорати, улар чизган расмларнинг мавзуга мослиги, бадиийлиги ва образлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Якуний натижаларга кўра Турсуной Абдиева ғолиб деб топилди, партия ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

● ТАДБИР

«Қандай халқнинг тикланиши ва юксалиши — бу умумжаҳон маданий ва иқтисодий тараққиётига муносиб ҳиссадир.»



## Маҳалла — қадриятлар маскани

этишларида муҳим омил бўлмоқда. Уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун айнан маҳаллаларда зарур имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга яқиндан кўмаклашмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан халқимиз турмуш тарзининг негизини ташкил этадиган ва азалий қадриятимиз бўлган маҳалла жамият бошқарувида ўз ўрнига эга бўлди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини кўплаб ваколатлари ўзини ўзи бошқариш органларига берилди. Фуқаролар йиғинлари ма-

ҳалланing ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётига оид муҳим масалаларга бевосита масъул ва унинг ижросига айланди. Бир пайтлар маҳаллага фақат тўй-маъракалар, оилавий муаммолар билан шуғулланувчи идора деб қаралган бўлса, бугунга келиб, кундалик ҳаётимизнинг деярли барча масалалари шу ерда ҳал этилмоқда.

— Бугунги кунда маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга масалалардан биридир, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Қ.Одилов.

— Эндиликда маҳалла аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланиб бормоқда. Мазкур институтнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифалари ҳам тобора кенгайиб бораётгани эътиборга молиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокчилар томонидан берилган кўплаб саволларга батафсил жавоб бериб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масъул аҳамиятга эга маҳалла фаолиятларини йўлга қўйишда кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқий-

маъмурий, ташкилий масалаларга оид кўникма ва билимларини ошириш, қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини англаб етишларига яқиндан ёрдам беришларини таъкидлади.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига аъзо бўлиш мақсадида, партиянинг туман Кенгашига ариза билан мурожаат қилган мустақиллигимиз тенгдошлари бўлмиш йигит ва қизларга партия аъзолигига ҳуқуқномалари ва эсдалик совғалари топширилди.

**Баҳодир ХОЛМАТОВ,**  
ЎзМТДП Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия қўмитаси матбуот котиби

## Депутат

### ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ

туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» ги ҳақда 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофизат қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириш, соғлом бола туғилишига эришиш йўлида излашлар олиб бориш, илғор тарғибот усулларидан фойдаланиш, болалар ва ўсмирларнинг жисмоний жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасида илгари сурилган устувор йўналишларда белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда сиёсий партиялар, хусусан, маҳаллий кенгаш депутатларига катта маъсулият юкланди. Шу боис Концепцияда кўрсатилган устувор вазифалар ҳаётимизда янги истиқбол режаларини тузишга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўз мутахассислигим доирасида жойларда ташкил этилаётган тарғибот ишларида Президент фармонлари, қарор ва фармойишларининг жойларда ижросини таъминлаш ҳамда аҳоли ўртасида ташвиқот ишлари-

билан биргаликда тадбирлар уюштирилди. Хусусан, Чўлқувар, Шодлик, Истиклал ва Шўртан маҳалла ва ҳудуддаги ширкат раислари, профлактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, маслаҳатчилари ҳамда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда шундай тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, Юртбошимиз илгари сурган Концепцияга мувофиқ жорий йилнинг апрел ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98 моддаларига)» ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинганлиги депутатларни зиммасидаги масъулиятини ошириш. Бу жараёнда маҳаллий кенгаш депутатлари, ЎзМТДП барча даражадаги ташкилотлари ва партиянинг ҳамкорлари билан биргаликда жойларда, хусусан, Республика шойлиқ тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали ҳамда Қарши шаҳридаги таълим муассасалари ва маҳалла фуқаролар йиғинларида жорий йилнинг биринчи чорагида «Репродуктив саломатлик ва жинсий йўл билан юқадиган касалликлар», «Гиеҳвандлик — энг салбий иллат», «Тиббий маданият — соғлом авлод гарови» ва «Шарқона одоб-ахлоқ ва миллий қадриятлар» каби қатор мавзуларда тиббиёт муассасалари ходимлари

ҳамда келгуси сайловларга бугундан тайёргарлик кўриб бориш ният қилинган.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши қошидаги депутатлар гуруҳининг «Қонунийлик, ҳуқуқ-тарғибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш доимий Комиссияси» аъзоси сифатида вилоят прокуратураси, ИИБ ва суд-ҳуқуқ тизими идоралари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ЎзМТДП сайловдоли Платформасида кўрсатиб ўтилганидек, аҳолини, айниқса, хотин-қизлар, ёшларни чекиш, ичиш, гиеҳвандлик каби салбий иллатлардан асраб-авайлаш, уларни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз асосида тарбиялашга кўмаклашиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Шарқона одоб ахлоқ нормалари асосида қариялар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олиш, дардига малҳам бўлиш халқимизга хос фазилатлардан саналади. Депутат сифатида бундай оилаларни қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга уларга ҳар томонлама кўмаклашиб бормоқдамиз.

**Сайфулла МАХМАТМУМИНОВ,**  
ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутати

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Тошкент вилояти ва Зангиота тумани Кенгаши Ижроия Қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб «Маҳалла — қадриятлар маскани» мавзусида ўтказилган тадбирда фуқаролик жамиятининг ўзига хос институти бўлган маҳаллаларнинг истиқлол давридаги ривожланиш босқичлари ҳақида сўз юритилди. Унда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Халқ депутатлари Тошкент вилояти ва Зангиота тумани Кенгаши депутатлари, БПТ етакчилари, туман «Маҳалла» жамғармаси, Зоирхон Жалилов номли МФЙ фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда муҳтарам Президентимизнинг «Маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, куйи бошқариш тизими сифатида қанчалик кучайтирсак, бунинг учун барча моддий, молиявий шароитларни таъминлаб берсак, олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта оқим бўлади» деган таъкидлари алоҳида тилга олинди.

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла институтининг ўрни ва роли ниҳоятда катта, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Ш.Дехқонов. — Шу боис бу институт фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада ўзини ўзи бошқариш органлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимояловчи идорага айланди. Шунингдек, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини тўлиқ намоён

● ФАОЛИЯТ

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган бир пайтда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ҳар бир фаол иштирокчиси ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ислохот ва бунёдкорлик ишларида ўз фаолиятига бир назар ташлаб кўяр экан. Ўзбекона айтганда, дўппини олиб қўйиб, мен Ватаним ва халқим учун нима қилдим, деган саволини қўйиб, инсонийлик ва фуқаролик позицияси нуқтаи назардан ўз фаолиятини таҳлил қилиши бугунги кун талабларидан саналади.*

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк даврларидан бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш ва ривожланишининг «Ўзбек модели» асосида ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ҳамда бу йўлдан оғишмай кучли фуқаролик жамиятига ўтиш сари мустаҳкам қадам ташлади. Бу ислохотлар натижаси ўлароқ юртимизда ҳар томонлама ютуқларга эришилмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланди. Ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш йўлида юртимизда кўппартиявийлик тизими жорий этилди ва ўтган 20 йил мобайнида бу институт шакллантирилди.

Депутатлар партия мафкураси, ғояси ва мақсад-вазифаларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ этиш, электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, қолаверса, ўз сайловчилари хоҳиш-истакларини амалга оширишни юксак бurch, деб билади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунари, Президент фармонлари, қарор ва фармойишларининг жойларда ижросини таъминлаш ҳамда аҳоли ўртасида ташвиқот ишлари-

# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## ● МИЛЛИЙ ҒОЯ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ворисийлик тушунчаси ўз таркибига муайян миллатларга хос бўлган тарихий шаклланиш босқичлари тил, маданият, санъат, урф-одатлар, буюк шахслар мероси, миллий менталитет, хунармандчилик, қишлоқ ҳўжалиги, ишлаб чиқариш ҳамда турмуш тарзидagi ўзига хосликни сақлаш, ўзлаштириш, ўсиб келаётган авлодга сингдириш ва тарғиб этиш элементларини қамраб олади.

### КАТТА АВЛОД ЙЎНАЛТИРСА...

Ворисийлик туйғусини ёшларнинг онг ва тафаккур тарзида шакллантиришда катта авлоднинг роли муҳимдир. Кўпинча катта ёшли одамлар

Ворисийлик аънаналари бузилса ҳар қандай жамият ҳам ичдан нурай бошлайди. Катталар ва ёшлар дунёқарши ўртасида ижтимоий боғлиқлик даражаси юқори бўлса, яъни консенсус ҳолатида бўлса, жамиятдаги ҳаёт тарзи тинч-осуда ва маромида кечади. Агар катталар ва ёшларнинг сиёсий, маданий, ахлоқий ва моддий қарашлари ўртасида фарқ катта бўлиб, одамлараро ижтимоий боғлиқлик заиф бўлса, яъни компромисс ҳолати шаклланиб бўлса, жамият ўзаро қарама-қаршиликлар, конфликтлар арафасида бўлади. Агар жамиятдаги ана шу заиф боғлиқлик, яъни компромисс ҳолати ҳам бузилса, жамиятда ижтимоий зўриқишлар кучаяди, конфликтлар юз бера бошлайди. Шу боисдан ҳам ҳозирги пайтда дунёнинг кўпгина давлатларида юз бераётган ихтилофлар сабабларини аҳолининг турли табақалари, катталар ва ёшлар ўртасида ворисийликнинг бузилганлиги,

рига қира олганига қараб обрў олмас, аммо, ўқувчилар давоми, ўқувчиларнинг ўзини тутишига қараб мактаб директори ҳатто муқофотлар ади. Бундай ёндашув ўз-ўзидан таълим сифатининг сусайиб кетишига олиб келди. Мисол учун, ўн йиллар мобайнида чет тилини ўрганиш учун ёшларга мунтазам тарзда машгулотлар ўтиб келинган бўлишига қарамай, чет тилида ўқувчилар иккита сўзни қўшиб жумлага айланган олмайд келганлар. Шўролар таълим тизимидаги "ҳамма нарсага ишонмай қара, шубҳалан" деган ёндашув ёшларда ажодлар томонидан яратилган маънавий меросга ҳам ишонмай қараш одатларини таркиб топтирди. Натижада ажодлар ва авлодлар ўртасидаги боғлиқлик ришталари узилди бошлади. Миллатнинг маънавий ўзлигини асирчи ворисийлик кўприги бузила бошлади. Хайриятки, истиқлол туғай-

муассасаларининг позитив таъсири устувор мавқега эгадир. Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш "Ижтимоий фикр" Маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига кўра ҳаётини позицияни белгилловчи, инсон маънавиятига жиддий таъсир ўтказиши мумкин бўлган омиллар қаторига ёшлар даставвал оила, таълим муассасалари, телевидениени қайд этганликларни эътиборга лойиқдир. "Оила муҳитида кимнинг фикри қарор чикариш учун асос бўлади" деган саволга 76 фоиздан кўпроқ ёшлар ота-она, бобобувилар ундан кейин ота ва акаларининг фикрлари, деб жавоб бердилар. Шу ўринда қайд этиш жоизки, воғга етмаган ўсмир ёшлар бирор бир воқеа юзасидан шахсий ҳулосаларга келиб қолишлари ва муайян хатти-ҳаракатларни содир этишга туртки бериши мумкин бўлган омиллар қаторига ўз тенгдошларини, телевидение, мактабдаги дўстла-

## ЁНДАШУВЛАР ТЎҚНАШУВИ...

Фарб ёшларининг дунёқарши уларнинг ота-оналари кўрмаган, билмаган дунё муҳитида шаклланимда. Уларнинг аксарияти ўз ажодлари яратган маънавий муҳит, маданий мерос, аъналар доирасида эмас, балки ёшларнинг ўзлари томонидан яратилаётган маданият ва санъатнинг энгил ва саёз намуналари асосида тарбияланмоқдалар. Ҳозирги замон Европа ёшларининг ижтимоий-эстетик, сиёсий ва иқтисодий мўлжаллари бугунги кун эҳтиёжларини қондириш, ҳозирда яшаб қолиш, ҳаётдан имкон даражасида кўпроқ лаззат олишга қаратилган. Бундай ёндашув, ўз навбатида, ажодлар мероси, аъналарига содиқлик, Ватанга муҳаббат, маънавият ва маърифатга интилиш ҳаракатини четга суриб қўймоқда. Хорижда нашр этила-

## ● ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

# Миллий ахборот макони

УНГА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ — ДАВР ТАЛАБИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги мажлисида сўзлашган маърузасида мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида бир қатор қонунлар қабул қилиш зарурати ва амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан қуроллантирилган бугунги авлод ҳеч қандай бўлмаган миллатга айланиб, ривожланган давлатлар қатори-

кўзланган мақсад ҳам демократик жамият барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланган фуқароларнинг ахборот олиш, ахборотни тарқатиш ҳуқуқи ва аҳолининг сиёсий фаоллиги ва мамлакатимиз сиёсий ижтимоий ҳаётидаги амалвий иштирокини ошириш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш борасида аниқ тақлифларни ишлаб чиқиш иборат.

Йиғилишда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, соҳага бозор механизмларини жорий этиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни тезкор ҳамда ҳолис ёритишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ОАВнинг ўзаро ҳамкорлигининг аҳамияти, нодавлат ОАВнинг метёрий ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш каби масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Бухоро вилоятида 14 та, Навоийда 13 та нодавлат оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолият олиб бораётгани соҳага бозор муносабатларини тадбиқ этиш, босма ва электрон матбуот воситаларининг иқтисодий мустақиллиги, молиявий барқарорлигини таъминлаш, журналистларнинг моддий фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган бундай ОАВнинг сон ва сифат жиҳатидан ортиб бораётгани соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда соҳани янада тараққий эттиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Йиғилишда депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва тақлифларни инобатга олиб, кўрилган масалалар юзасидан Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Камолиддин ҲОТАМОВ, "Millyi tiklanish" муҳбири

# Ворисийлик ва маънавият уйғунлиги

Бу масала айниқса Фарб дунёсида жуда долзарб бўлиб ёшлар ва катталар берибидан маънавий жиҳатдан бегоналашиб қолаётганликларини бир халқ турмуш тарзида икки хил ёндашув, икки хил талқин, берибидан инкор этувчи, моҳиятан қарама-қарши икки маданий эҳтиёжлар асосида яшаш одатий ҳолга айланганлиги жиддий муаммодир.

орасида ёшларга ҳаёт тажрибаларини ўргатиш зарурийлиги хусусида фикрлар ўртага қўйилади. Катта авлод ва ёшлар ўртасида дунёни англаш, ҳаётга бўлган муносабат масаласида икки хил ёндашув шаклланиб қолаётганлиги тўғрисида баҳс қилинади. Бу масала айниқса Фарб дунёсида жуда долзарб бўлиб ёшлар ва катталар берибидан маънавий жиҳатдан бегоналашиб қолаётганликларини бир халқ турмуш тарзида икки хил ёндашув, икки хил талқин, берибидан инкор этувчи, моҳиятан қарама-қарши икки маданий эҳтиёжлар асосида яшаш одатий ҳолга айланганлиги жиддий муаммодир. Бунинг туб илдизларида икки катта ижтимоий асос, яъни бир томондан оммага кўрсатилаётган оммавий мафкуравий таъсирнинг давлат ва жамоатчилик назоратидан тасвирланган четда эканлиги, оммавий ахборот воситалари, телевидение, реклама ва айниқса интернет орқали ахлоқий бузуқлик, космополитизм, гедонизм, маънавий тубанлик, сурбетликнинг ёшлар учун ижтимоий мақбул ҳаётини позиция сифатида кенг тарғиб этилаётганлиги бўлса, иккинчи жиҳати эса кўпгина ривожланган давлатларда катталар ва ёшлар маънавий ўртасида минг йиллик ворислик аъналарининг барҳам топиб бораётганлигидир.

Бунинг натижасида катталарнинг ёшларга, ўз фарзандларига айтадиган гаплари, насихат ва ўғитлари бесамар бўлиб, ҳеч қандай тарбиявий таъсир кучига эга бўлмаётган бўлмоқда. Энг ёмон интернет ва телевидение орқали кўрсатилаётган мафкуравий таъсир натижасида ёшлар нафақат жамият аъна ва одатларидан, балки қонунлар асосида яшаш ҳам четлашиб, улاردан хайиқмаслик, қондиларни бузиш, катталар томонидан яратилган моддий ва маънавий турмуш тарзига бундан тўғрива бўлган аъналарнинг осойишталигини ҳам бузиб юборишга қодир куч сифатида майдонга чиқмоқда. Асосий муаммо бир миллат ичидagi ворисийлик аъналарининг узилганлиги, ёшлар катталарни тушуниши мутлақо истамайётганлиги, ёшларни эса катталар тушунолмайд қолганлигида дейишга ҳақликимиз.

бир миллат вакиллари ичидa барҳам тошганлиги, дунёқарашлар, дидлар, савияларнинг турлича бўлиб шаклланиб қолганлигини излаш жоиздир.

### ЯҚИН УТМИШ САБОФИ

Шўролар даврида миллий ўзлик бардавомлигини тўхтатиш учун ворисийлик аъналарига қарши ҳам кенг қўламли ҳаётда тизимли тарзда кураш олиб борилди. Шўролар давридаги таълимда энг аввало жараён, кейин натижа деган тамойил — формула асосидаги ўзига хос дарс механизми ишлай бошлади. Ўқувчиларнинг дарсларга қатнашишлари қаттиқ назорат этилар, дарс ўтиш тартибига риоя қилинар, соатлар ҳажми режа бўйича бажарилар, аммо дарснинг натижаси яъни, ўқувчилар томонидан фанни ўзлаштирилиш ҳолати қониксарсиз бўлиб қолаверар эди. Бир сўз билан айтганда, иш сифати ҳеч қимни қизиқтирмас эди. Ўқувчиларнинг эътибори билим олишга эмас, таълимнинг ташқи жиҳатига кўпроқ қаратиб келинди, яъни ўқувчиларнинг фанни қучур ўзлаштириши эмас, балки унинг таълим жараёнларида умуман жисман иштирок этишига кўпроқ ургу берилди. Уша пайтларда ўқувчи "дарсга қелдимми?", "кўнғирокдан кел қолмадимми?", "доскага чиқдимми?", "қўл кўтардимми?", "тинч ўтирдимми?" деган саволларга жавоб орқали баҳо берилар эди.

Ўқувчида ота-оналари ҳам "бугун нима ўрганиб келдинг?", "қандай назарияларни ўзлаштирддинг?", "нималарга қизиқиб кучайди?" деган саволларни эмас, балки "неча баҳо олдинг?", "қундалигингни кўрсат", "дарсда тўпалон қилмадингми?", "кечкимай бордингми?" қабилидаги саволлар беришни одат қилишган эди.

Ўқувчининг ажодлар меросини билиши, мустақил ишлаб олиш қобилияти, фан назарияларини ўзлаштирилганлиги, билган нарсаларини амалиётга қўлай олиши, олмаслиги, ҳаёт билан билим уйғунлиги, кашфиётлар қилиш қобилиятлари, янгиликлар яратиш имкониятлари умуман ҳеч қимни қизиқтирмас эди. Бу эса таълимни юқори одоралар олдига ҳисобот беришга мослашган ишлаб чиқариш идорасига айлантириб қўйган эди. Ҳеч қайси мактаб ўзининг неча фоиз битирувчиси олий таълим муассасалари

ли жар ёқасидан қайдик, шахсга йўналтирилган, билим сифатига мўлжал олинувчи таълим тўғрисидаги қонун ҳаётга жорий этилди. Энди қайси мактаб яхши билим беради, қайси лицей ва коллежда ўқилса моҳир касб эгаси бўлиш ёки олий таълимда ўқиш қафолатланади, деган ҳаётини қарашлар шаклланди.

Бинобарин, аъна ва урф-одатлар, турмуш тарзи миллат ўзлигининг миноралари ва бинолари бўлса, ворислик миллатнинг бор бисоти, маънавиятини қўриқловчи асосий қўрғонидир. Миллат менталитети, демакки халқ характери ворисийлик тизимида муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги пайтда дунё халқларининг аксариятида миллий характер ўзгариши, менталитет трансформацияси юз бермоқда. Айниқса, миллат ўзлигининг асосий ўқ илдизи, стережени бўлган ватанпарварлик, сиёсий эътиқод фазилатлари жиддий талафот кўрмоқда. Хусусан, ҳозирги пайтда Россия мактабларида мақсадли шакллантирилган 12 та ижтимоий фазилатлар қаторида ватанпарварлик фазилати жамиятдаги жуда паст, яъни аҳамиятига кўра 10-ўринга тушиб кетганлиги хусусида оммавий ахборот воситаларида ёзилмоқда. Худди шундай ҳолат АҚШ, Франция, Бельгия, Италия ва бошқа давлатларда ҳам юз бераётганлиги хорижий сиёсатшунос ва социолог олимлар томонидан қайд этилмоқда. Энг ташвишланарлиси виждон, орият, тўрилик сингари инсоний жиҳатлар шахсининг жамиятда адаптация бўлиши, яъни, муваффақиятли мослашиб, ҳаётга киришиб кетиши учун ёрдам берувчи фазилатлар сифатида эмас, балки халал берувчи хислатлар сифатида баҳоланмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига маънавий омилларнинг нафақат жамиятнинг барқарорлаштириш ва юксалтириш, балки унга етарли эътибор бермаслик жамиятни таъназулга етаклаши, давлат тартибларининг ичдан нураб кетишига ҳам сабаб бўлиши хусусида тақор — тақор айтилганлиги бежиз эмас.

"Инсониятнинг кўп минг йиллик таърихи шундан далолат берадики, дейди Президентимиз — дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади".

### АВЛОДЛАРА БОҒЛИҚЛИК КУЧИ

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ёшлари орасида ворисийлик ҳодисасига муносабатда оила, маҳалла жамоатчилиги ва давлат

ри даврасини, мактаб ва коллеждаги жамоатчилик фикрини ҳам қайд этдилар. Бундай жавоблар ворислик аъналарининг мустақам, барқарор ва бардавом бўлишини таъминлаш учун ўсмир ёшлар онгига интернет ва хориж телевидениеси кучли таъсир этаяётганлигини эътибордан соқит этмаслик, тарбиявий ишларда оғоҳлик ва ҳушёрликни кўлдан бермасликка чақиради.

Ворислик аъналарининг миллат маънавияти ва руҳида барқарорлашувида бадийи адабият ва тарихий билимларнинг роли каттадир. Ҳозирги пайтда зиёлилар даврасида бадийи адабиятга қизиқилишнинг аҳамияти ҳақда тез-тез баҳс очилади. Интернет ва телевидение ҳозирги мактаб ва коллежда битирувчилари орасида бадийи асарлар ўқишга бўлган қизиқилиш кучайтириш ўрнига муайян даражада сусайтираётганлиги, ёшларнинг мустақил равишда китоб мутолааси билан шугулланиши турмуш тарзига айланганлиги зарурлиги хусусида фикрлар ўртага қўйилмоқда. Кузатишлар натижасида шунки кўрсатмоқдаки, аксарият ёшлар мактаб ва коллеж дарсликларига берилган бадийи асарлардан парчаларни ўқиб

Ўзбекистонда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб, давлат ва жамият манфатлари бирлиги, моддий ва маънавий омиллар уйғунлигини таъминлаш, катталар ва ёшлар дунёқарши ўртасида мустақам боғлиқликни таркиб топтириш, том маънода ворисийликка эришиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди.

олиш билан чекланаётганликларини, баъзи ўқувчилар эса "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", "Алишер Навоий" сингари мумтоз асарлар бўйича яратилган бадийи фильмларни кўриш билан кинофоялаётганлари маълум бўлди. Бундай ҳол мактаб ва коллеж таълими тизимида синфдан ташқари ташқи этилувчи бадийи-эстетик таълимни кучайтириш, ўқувчиларда бадийи адабиятга қизиқилишни мақсадли шакллантириш ва ривожлантиришни кун тартибига қўйди.

Ворисийликнинг қуввати ажодларимиз томонидан яратилган ноёб маънавий меросини нечоғли ўзлаштирилганликларига бевосита боғлиқдир. Юртбошимиз таълим ва тарбия соҳалари учун мутасадди ташкилотлар ва ҳар бир ватандошимиз эътиборини мақсуд масалага махсус қаратиб шундай деган эдилар: "...Улуғ ажодларимизнинг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган буюк ҳиссасини ёшларимиз билдириши? Албатта билади. Аммо, афсуски, аксарият ҳолларда умумий, юзаки тарзда билади". Дарҳақиқат, ворисийлик ҳодисасининг барқарорлиги ажодларимиз маънавий меросига тўлиқ эғалик билан бевосита боғлиқлигини эътиборга оладиган бўлсак, масаланинг нечоғлиқ долзарблиги янада ойдинлашади.

### ИСТИҚЛОЛ ВА ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОСИ

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ворисийлик тамойили орқали маънавиятнинг ҳаётбахш қучи билан қуроллантирилган бугунги авлод ҳеч қандай бўлмаган миллатга айланиб, ривожланган давлатлар қатори-

га кириб, буюк келажакка юзланадиган миллат сифатида мураккаб синовлардан зафар билан ўтмоқда.

Табиики, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш жараёнида одамлар онгига, жамият мафкурасида туб ўзгаришлар содир бўлади. Бирок, баъзи бировларнинг ҳадиқсаридек, эркин бозор шароитида маънавий-ахлоқий кадриятларнинг қиммати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланади, деган хавотирлари ўринсиз экани Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришлар мисолида яна бир бор яққол аён бўлмоқда.

Ўзбекистонда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб, давлат ва жамият манфатлари бирлиги, моддий ва маънавий омиллар уйғунлигини таъминлаш, катталар ва ёшлар дунёқарши ўртасида мустақам боғлиқликни таркиб топтириш, том маънода ворисийликка эришиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Натижада халқимиз бугунги кун осудалиги, омонлигидан хотиржам, эртанги кунга ишонч руҳи билан умрини безашга, яратувчанлик, бунёдкорлик режаларини амалга ошириш завқидан масрур кайфиятда дорилмон ҳаёт макони ва замонида яшаш бахтига муассар бўлди.


Мансур БЕКМУРDOV, социология фанлари доктори



# ЖАРАЁН

**НИГОХ**

## Туризм

**МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ ТАРФИБОТИДА МУҲИМ ҲАҚИҚАТ**

айтганда, "Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда..."

Дарҳақиқат, сўнгги йигирма йил мобайнида юртимиздаги бебаҳо маданий мерос объектларини тиклаш, асраб-авайлаш, ўзлаштириш ва келгуси авлодларга етказиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ислам Каримов ўтмиш авлод ва замондошларимиз томонидан яратилган сайёҳлик салоҳиятидан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш вазифасини илгари сурди. Бу нафақат мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ёрдам беради, балки унинг халқаро майдондаги обрўйини ҳам мустаҳкамлайди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда бир қанча туристик фирмалар, меҳмонхоналар, қатор туроператор ва турагентликлар фаолият олиб бормоқда. Қолаверса, бугун мамлакатимизда туризм равнақи, юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш учун Ўзбекистон Республикаси

**Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб ўзининг демократик ривожланиш ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини аниқ белгилаб олди. Сўнгги йигирма йил ичида мамлакатимизда маънавий тарихий меросимизни асраб-авайлаш, уларни бойитиш ҳамда келажак авлодга бус-бутун етказишда кенг қўлланма ишлар олиб борилмоқда.**

жуда қисқа давр. Бироқ асрларга татигулик бу даврда деярли барча соҳаларда мислсиз марраларни забт этдик. Туризм соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Истиклол туфайли ўзбек халқининг мустабид тузум даврида коммунистик мафкура томонидан таҳқирланган бой маданий, тарихий мероси, маънавий қадриятлари тикланди.

Шу ўринда 2009 йили умумхалқ байрамимиз — Наврўз ЮНЕСКО маънавий мероси рўйхатига киритилди. 2010 йилда дунёнинг қатор давлатлари томонидан киритилган таклифга биноан БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси қабул қилинди ва унга кўра Наврўз халқаро байрам сифатида нишонландиган бўлди. Қолаверса, Ватанимиз тарихий ва маданий ёдгорликларга ҳам бой

Мана шу бебаҳо меросимизнинг кўпгина қисми бугунги кунда баъларият мулкига айланди. ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига Хивадаги Ичонқалъа, Бухоро, Шахрисабз ва Самарқанд каби кўна шаҳарларимизнинг киритилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг, туризм соҳасида ташланган дастлабки ва энг катта қадам шубҳасиз, бу Президентимиз

томонидан 1992 йил 27 июлда "Ўзбекитуризм" миллий компаниясининг ташкил этилиши бўлди. Компаниянинг асосий устувор йўналишларидан бири туризм соҳасида иқтисодий асосларни ривожлантириш, тарихий меросимизни тарғиб қилиш ишларини олиб бориш, тарихий-маданий аҳамиятга эга обида ва ҳайкаллари таъмирлаш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишдан иборатдир.

1993 йилдан эса Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ)нинг тўлақонли аъзосидир. Дунёнинг 24 мамлакати қатори юртимиз БТТнинг "Буюк ипак йўли" дастурида иштирок этиб келмоқда. 1995 йилдан буён ҳар йили ташкил этиб келинаётган "Ипак йўли бўйлаб туризм" деб номланувчи Тошкент халқаро туристик ярмаркасининг ўтказиш аниқана тусини олди. Миллий маданиятимиз, тарихий меросимиз, жаҳон цивилизацияси тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк бобокалонларимизнинг маънавий мероси қайтадан ўрганилди ва уларнинг мувоваққат номлари тикланди. Буюк алломаларнинг таваллуд топган тарихий саналари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Президентимиз таъбири билан

ҳида яшаши, агар фарзандлари бўлса, уларнинг сони ва ёши фарзандликка олинган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши ва жинси кўрсатилган, нотариал тартибда тасдиқланган ариза-си, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, оила аъзолари кўрсатилган ҳолда турар жойидан маълумотнома, иш жойидан иш хақи кўрсатилган маълумотнома, иш жойидан ёки турар жойидан тавсифнома, эр-хотинларнинг солиғи тўғрисидаги тибиий маслаҳат комиссиясининг хулосаси, психиатрия, наркология муассасалари, тери тасносил диспансерининг маълумотномалари билан бирга ўзлари яшаб турган жойдаги ёки фарзандликка олинувчи яшаб турган жойдаги Халқ таълими бўлимининг вассийлик ва ҳомийлик органига ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Бола 10 ёшга тўлган бўлса, фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади. Бундай розилик вассийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади. Бозили ҳолларда ота-онанинг розилигисиз ҳам фарзандликка олиш расмийлаштирилиши мумкин. Булар қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса, ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган бўлса, ота-она бир йилдан ортиқ вақт мобайнида болалар ёки даволуш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз ҳабар олмаган бўлса.

**Зубайда ҚУРБОНОВА, Когон шаҳар ФХДЭ бўлими мудараси**

ҳида яшаши, агар фарзандлари бўлса, уларнинг сони ва ёши фарзандликка олинган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши ва жинси кўрсатилган, нотариал тартибда тасдиқланган ариза-си, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, оила аъзолари кўрсатилган ҳолда турар жойидан маълумотнома, иш жойидан иш хақи кўрсатилган маълумотнома, иш жойидан ёки турар жойидан тавсифнома, эр-хотинларнинг солиғи тўғрисидаги тибиий маслаҳат комиссиясининг хулосаси, психиатрия, наркология муассасалари, тери тасносил диспансерининг маълумотномалари билан бирга ўзлари яшаб турган жойдаги ёки фарзандликка олинувчи яшаб турган жойдаги Халқ таълими бўлимининг вассийлик ва ҳомийлик органига ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Бола 10 ёшга тўлган бўлса, фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади. Бундай розилик вассийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади. Бозили ҳолларда ота-онанинг розилигисиз ҳам фарзандликка олиш расмийлаштирилиши мумкин. Булар қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса, ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган бўлса, ота-она бир йилдан ортиқ вақт мобайнида болалар ёки даволуш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз ҳабар олмаган бўлса.

**Зубайда ҚУРБОНОВА, Когон шаҳар ФХДЭ бўлими мудараси**

Ташкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Давлат Солиқ инспекцияси томонидан жорий йилнинг биринчи сентябрь ҳолатига кўра, жами 5263 та корхона ва ташкилот фаолият юритаётгани аниқланган бўлиб, уларнинг 4890 таси солиқ тўлаш мажбуриятига эгадир. Эътиборли томони, мазкур ташкилотлардан 323 таси эса белгиланган муддатда ҳисоботлар тақдим этмаган. Шу сабаб туман Давлат Солиқ инспекциясининг "Камерал назорат" бўлими ходимлари томонидан амалдаги қонунга мувофиқ қатор ишлар бажарилди. Жумладан, 356 та корхонанинг юридик манзилларига ҳисобот тақдим этиш

тўғрисида талабномалар жўнатилиши натижасида 173 та корхонада бу борадаги камчиликларни бартараф этишга эришилди. Бу ерда ишлаётган 211 нафар мансабдор шахс 10 миллион 550 минг сўм миқдордаги жаримага тортилди. 2011 йил учун ҳисоботлар тақдим этмагани учун Давлат Солиқ инспекцияси бошлиғи 183 та корхонанинг тижорат банкларидаги ҳисоб рақамларига банд солиш тўғрисида қарор чиқарди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, туман Давлат Солиқ инспекцияси зонавий технологиялардан унумли фойдаланиб, интернет орқали ҳисоботларни тақдим эта-

тиббий хизмат

Мустақиллик ҳаётимизга тоза ҳаво олиб кирди. Юртимизда янгилашни, яшарни, юксалиш даври бошланди. Айнан истиқлол туфайли барча соҳалар тубдан ислоҳ қилинди. Айниқса, тибиёт соҳасида кўлга киритилган ютуқлар ҳақида қанча кўп гапирсак шунча оз.

Бундан 20 йил аввалги ҳолатни кўз олдингизга келтиринг. Ҳатто, ўртамеъна жарроҳлик операциясини ўташ учун собиқ иттифоқ ўлкаларида боришимизга, устига-устак бунинг учун каттагина маблағ сарфлашимизга тўғри келарди. Бугун эса дунёнинг манаман деган шифокорлари бизнинг мутахассисларимиз билан тажриба алмашишмоқда, улар билан ҳамкорлик қилиш таклифи билан чиқмоқдалар. Республикаимизнинг қай бир ҳудуди, гўшасига борманг тибиёт соҳасида изчил ишловлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз.

Эътиборлиси, бу борада Президентимиз томонидан қабул қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломамлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарор ижросини таъминлаш, аҳолига сифатли тибиий хизмат кўрсатиш борасида Наманган вилояти Чуст тумани тиббиёт бирлашмасида ҳам ибратга аризулик ишлар амалга оширилмоқда.

Туманда 1 та марказлашган шифохона, силга қарши курашиш диспансери, юқумли касалликлар шифохонаси, 23 та КВП, 2 та ШПВ аҳолига намунали тибиий хизмат кўрсатмоқда.

Туманининг "Лайлак уя" МФЙ марказида жойлашган "Каркидон" КВП фаолиятига бу йил 5 йил тўлди. Қувонарлиси, 10 мингдан зиёд аҳолига малакали тибиий хизмат кўрсатилиши кўзда тутилган КВП ва унинг 40 нафарга яқин жонқуяр тиббиёт ходимлари хизматидан қишлоқ ахли мамнун. "Саломатлик-2" лойиҳаси бўйича энг сўнгги рўсулҳаси тибиий инвентарлар билан жиҳозланган, туманининг чекка ҳудудларидан бирида жойлашган КВПда барча шарт-шароитлар яратилганини кўриб ҳавас қилдик.

**СОЛИҚ ҲАЁТИ**

# Камерал назорат

**КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТМОҚДА**

**Бугун жойларда юртимиз солиқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, кечайтган янгилашлар ҳақида соҳа ходимлари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, корхона ва ташкилотлар мутасаддиларига турли ҳисоботларни тезкор ва қулай тақдим этиш ва солиқ тўловини ўз вақтида амалга оширишнинг аҳамияти хусусида тегишли чора-тадбирлар кўрилатир. Бироқ бунга қарамасдан айрим камчилик ва хатолар ҳамон кузатиламоқда.**

Ташкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Давлат Солиқ инспекцияси томонидан жорий йилнинг биринчи сентябрь ҳолатига кўра, жами 5263 та корхона ва ташкилот фаолият юритаётгани аниқланган бўлиб, уларнинг 4890 таси солиқ тўлаш мажбуриятига эгадир. Эътиборли томони, мазкур ташкилотлардан 323 таси эса белгиланган муддатда ҳисоботлар тақдим этмаган. Шу сабаб туман Давлат Солиқ инспекциясининг "Камерал назорат" бўлими ходимлари томонидан амалдаги қонунга мувофиқ қатор ишлар бажарилди. Жумладан, 356 та корхонанинг юридик манзилларига ҳисобот тақдим этиш

тўғрисида талабномалар жўнатилиши натижасида 173 та корхонада бу борадаги камчиликларни бартараф этишга эришилди. Бу ерда ишлаётган 211 нафар мансабдор шахс 10 миллион 550 минг сўм миқдордаги жаримага тортилди. 2011 йил учун ҳисоботлар тақдим этмагани учун Давлат Солиқ инспекцияси бошлиғи 183 та корхонанинг тижорат банкларидаги ҳисоб рақамларига банд солиш тўғрисида қарор чиқарди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, туман Давлат Солиқ инспекцияси зонавий технологиялардан унумли фойдаланиб, интернет орқали ҳисоботларни тақдим эта-

ётган корхоналарга электрон рақамли имзо белгиланган тартибда амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи август ҳолатига кўра, бу турдаги корхоналарнинг сони 2607 тани ташкил этди. Шундан 2410 та корхона томонидан 7620 та ҳисобот электрон кўришнида тақдим этилган.

Шунингдек, Давлат Солиқ инспекцияси ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ахборотнома топширмаган ва маълумотларида камчиликлар аниқланган ҳар бир корхона таҳлил этилди. Уларнинг ҳаққонийлиги ўрганилиб, тафовут борлиғи қайтадан талабнома юборилди. Масалан, 144 та умумий оваткланиш ва 314 та чакана савдо корхонасида хронометраж ишлари ташкил этилиб, давлат бюджетига 76 та чакана савдо корхонаси бўйича 23 миллион 749 минг 500 сўм, 48 та умумий оваткланиш корхонасида 18 миллион 425 минг 700 сўм ундирилди.

**Урол РАҲМОНОВ, Мирзо Улуғбек туман ДСИ "Камерал назорат" бўлими бошлиғи**

**ТИББИЙ ХИЗМАТ**

# Замонавий ҚВПлар

**ХИЗМАТИДАН ҚИШЛОҚ АҲЛИ МАМНУН**

**Мустақиллик ҳаётимизга тоза ҳаво олиб кирди. Юртимизда янгилашни, яшарни, юксалиш даври бошланди. Айнан истиқлол туфайли барча соҳалар тубдан ислоҳ қилинди. Айниқса, тибиёт соҳасида кўлга киритилган ютуқлар ҳақида қанча кўп гапирсак шунча оз.**



Бундан 20 йил аввалги ҳолатни кўз олдингизга келтиринг. Ҳатто, ўртамеъна жарроҳлик операциясини ўташ учун собиқ иттифоқ ўлкаларида боришимизга, устига-устак бунинг учун каттагина маблағ сарфлашимизга тўғри келарди. Бугун эса дунёнинг манаман деган шифокорлари бизнинг мутахассисларимиз билан тажриба алмашишмоқда, улар билан ҳамкорлик қилиш таклифи билан чиқмоқдалар. Республикаимизнинг қай бир ҳудуди, гўшасига борманг тибиёт соҳасида изчил ишловлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз.

Эътиборлиси, бу борада Президентимиз томонидан қабул қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломамлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарор ижросини таъминлаш, аҳолига сифатли тибиий хизмат кўрсатиш борасида Наманган вилояти Чуст тумани тиббиёт бирлашмасида ҳам ибратга аризулик ишлар амалга оширилмоқда.

Туманда 1 та марказлашган шифохона, силга қарши курашиш диспансери, юқумли касалликлар шифохонаси, 23 та КВП, 2 та ШПВ аҳолига намунали тибиий хизмат кўрсатмоқда.

Туманининг "Лайлак уя" МФЙ марказида жойлашган "Каркидон" КВП фаолиятига бу йил 5 йил тўлди. Қувонарлиси, 10 мингдан зиёд аҳолига малакали тибиий хизмат кўрсатилиши кўзда тутилган КВП ва унинг 40 нафарга яқин жонқуяр тиббиёт ходимлари хизматидан қишлоқ ахли мамнун. "Саломатлик-2" лойиҳаси бўйича энг сўнгги рўсулҳаси тибиий инвентарлар билан жиҳозланган, туманининг чекка ҳудудларидан бирида жойлашган КВПда барча шарт-шароитлар яратилганини кўриб ҳавас қилдик.

— Соҳадаги кенг имкониятлар, бугунги шарт-шароитлар ҳақида илгари фақат орзу қилар эдик, - дейди "Каркидон" КВП мудараси, олий тоифали врач Малика Халилова. — Бугун бизнинг КВПда беморларга ёрдам кўрсатилишидан тортиб, инсон танасидаги мавжуд барча микробларни қисқа муддатда, шу ернинг ўзида аниқлаш, ҳатто, хомила юрагини бемалол эшитиш имконини берадиган аппаратларимиз бор. Биз булар ёрдамда нафақат беморга ёрдам кўрсатиш, балки туғилажак гўдак соғлиғига путур етказадиган хавф-хатарнинг олдини олиш имконига ҳам эгамиз. Автоклав тиббий ускунаси орқали барча тибиий жиҳозлар тез ва ишончли стерилизация қилинади.

Биз суҳбат асосида КВП ва Тошкент эндокринология маркази ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилганини, аҳоли ўртасида 5 ёшгача бўлган ёш болаларни шолга қарши "миллий эмлаш" ишлари уюшқоқлик билан амалга оширилганининг гувоҳи бўлдик.

2006 йилда фаолиятини бошлаган, 50 та қатновга мўлжалланган, юқори ва қуйи "Карнон" МФЙнинг 7000 нафарга яқин аҳолисига тибиий хизмат кўрсатадиган мазкур КВП ҳақида ҳам фақат илқ гапларни эшитдик.

Чиндан-да, барча шароитлар яратилган, керакли жиҳозлар билан таъминланган мазкур КВПда аҳолига "Саломатлик-2" дастури бўйича намунали тибиий хизмат кўрсатилади. Яна бир эътиборли жиҳати мазкур КВПда малакали ходимлар малакаси ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўнга яқин ходимнинг "Саломатлик-2" ва "Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси бўйича малака ошириб келганлиги фикримиз далилидир.

Теварак-атрофи обод, мева-ли ва манзарали дарактлар ўтказилган, келгусида қўшимча лаборатория ва душхоналар қурилиши режалаштирилаётган

КВПдан кўнгилни тўқ қилиб узоқлашдик.

— Ҳаётда ҳар бир соҳанинг ўз ўрни бор. Айниқса, тибиётсиз кундалик турмушимизни тасаввур қилиб бўлмайди, - дейди Чуст тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, УМТДП Косонсой туман кенгаши депутати Олимжон Қосимов. — Биз аҳоли ўртасида янада кўпроқ тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз керак. Токи улар тиббиёт ходимларининг олдига кеч бўлганда нажот сўраб келишмасин. Аксинча, касаллик аломатлари сезилган заҳоти шифокорларга мурожаат қилишлари эришимиз зарур. Бир сўз билан айтганда, касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган осонроқ, деган ақлдан бугун ҳар бир юртдошимиз онгига сингдиришимиз лозим. Зеро, бу бизнинг вазифа ва бурчимиздир.

Қолаверса, энг улуг, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 20 йиллик шодинасини муносиб қутиб олишга ҳаракат қилдик. Туманининг энг чекка Олмос қишлоғи ҚФЙ ҳудудида жойлашган янги "Ариқ бўйи" КВПси ҳам айнан истиқлол байрами арафасида қуриб фойдаланишга топширилди. Ички имконият ва ҳомийлар ҳисобидан жами 75 млн. сўм маблағ сарфланиб бунёд этилган мазкур КВПда 4000 нафарга яқин қишлоқ аҳолисига тибиий хизмат кўрсатиш кўзда тутилган.

Чуст туманидан узоқлашар эканмиз, кўнгилимизни хотиржамлик эгаллади. Негаки, дунёнинг ҳеч қайси мамлакатига инсон сийҳат-саломатлигини асраб-авайлаш ва унинг кафолатини таъминлаш масаласига биздагидай катта эътибор билан қаралмайди.

Қувонарлиси, биз бунга Чуст тумани тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ижобий ишлар мисолида яна бир бор амин бўлдик.

**Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи, "Milliy tikanish" мухбири**

**СЎРАГАН ЭДИНГИЗ**

## Фарзандликка олиш тартиби қандай?

**Елғизгина фарзандимиз бор. Шу ёшимгача Аллоҳ бошқа фарзанд бермади. Яқинда ҳужайиним билан фарзандликка бола олишни маслаҳатлашдик. Аммо кимга мурожаат қилишни билмаймиз.**  
**М.ОРТИҚОВА, Когон шаҳри**

Ўзбек азалдан болажон халқ. Болаларга меҳр-мурувват кўрсатиш, севиш, етимларнинг босини силлаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Инчунун, мустақил юртимизда ҳам ота-она меҳрига зор болаларни фарзандликка қабул қилиш, уларни оқ ювиб, оқ тараши, вояга етказиш, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари қилиб тарбиялашга инсоний қонунлар, энг асосийси, "Оила" кодекси орқали тартибга солинган. Юртимизда фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исми, ота исминини ўзгартириш, жинсини ўзгартириш каби воқеа ва фактлар фуқаролик ҳолатлари далолатномаларида уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали амалга оширилади.

Фарзандликка олишни расмийлаштириш учун ФХДЭ бўлимига фарзандликка олиш ҳақидаги ҳоким қарори ва фарзандликка олинувчининг тузилганлик гувоҳномаси, шунингдек, фарзандликка олувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳуж-

жатлари тақдим этилиши лозим. Фарзандликка олувчилар 2 ёки ундан кўп болани бир вақтда фарзандликка олган ҳолларда ҳоким қарори ҳар бир бола учун алоҳида бўлиши, умумий чиқарилган ҳолларда эса нечта бола фарзандликка олинаётган бўлса шунча нусхада тақдим этилиши ва ҳар бир қарорда алоҳида кирим ва ижро ҳақида белгилар қўйилиши лозим. Агар бола вилоят ҳудудида бир тумандан иккинчи туманга фарзандликка олинаётган бўлса, янги далолатнома ёзуви очилмасдан ҳоким қарори ва боланинг тузилганлик ҳақидаги гувоҳномаси тузилганлик ҳақида далолатнома ёзуви тегишли ўзгартиришлар киритиш янги гувоҳнома бериш учун юборилади.

Агарда фарзандликка олинган 10 ёшга тўлмаган бўлсаю Республикаимизнинг бир вилоятдан иккинчи вилоятига олиб кетиш зарурати туғилганда ва ҳоким қароридан унинг тузилган жойи ўзгартирилган бўлса, боланинг фарзандликка олинган жойидаги ФХДЭ бўлими томо-

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ


# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Текширувлар якунланди

Россиялик мутахассисларнинг маълум қилишича, шу йил июнида кулаган Ту-134 самолётининг штурмани спиртли ичимлик истеъмол қилган.

Ҳалокат оқиба-тида 47 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмганди. Москвадан Петрозаводскка қараб учган "Рус Эйр" ширкатига тегишли самолёт аэропортга бир километрча масофа қолганда қулаб тушган.


Ҳодиса юзасидан ўтказилган текширув хулосасига кўра, қўниш вақтида учувчига кўрсатма бериб туриши керак бўлган штурман парвоздан олдин спиртли ичимлик истеъмол қилган ва бу ҳолат унинг ҳушёрлик даражаси пасайганига сабаб бўлган. Бундан ташқари ёмон об-ҳаво ҳам ҳалокатга олиб келган. Давлатлараро авиация қўмитаси ҳисоботида айтилишича, Финляндия чегарасига яқин Петрозаводскдаги фожиа қалин туман шароитида, экипаж ердаги чиқоқларни кўра олмайдиган ҳолатда рўй берган. Натижаларга кўра, самолётда техник камчиликлар бўлмаган ва ҳалокат учувчилар ва экипажнинг бошқа аъзолари хатоси туфайли рўй берган.



## Хитой ёғлари

Хитойда канализацион қувурлардан ёғ олиб, сотанлар хибсага олинган.

Мамлакат полицияси томонидан рестороанларнинг канализацион қувурларидаги ёғларни йиғиб, қайта ишлашда гумон қилинган ўттиздан ортиқ киши хибсага олинган. Хабарларга кўра, рейдлар Хитойнинг 14 вилоятида олиб борилган. Натижада ноқонуний ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи жинсий тармоқ шифокорларнинг айтишича, бундай йўллар билан ишлаб чиқарилган айрим ёғ турлари инсонларда саратон хасталигини келтириб қақариши мумкин.



## Ўрмон ёнғинлари

АҚШнинг Техас штатида юзага келган ўрмон ёнғинлари оқибатида саксонга яқин турар-жой биноси кулга айланган.

Баландлиги 4-6 метрни ташкил қилган кучли аланга Жефф-Девис ва Мидленд округидаги 404 квадрат километр ҳудудни қамраб олган. Кучли шамол ва илқ ҳаво табиий офатнинг янада кучайишига сабаб бўлмоқда. «The Dallas Morning News» нашрининг ёзишича, аҳоли хавфсиз ерларга кўчирилган. Ёнғинни бартараф этиш учун Техасга кўглаб ўт ўчириш гуруҳлари юборилган.

## Кучли зилзила

Ҳиндистонда юз берган зилзилада 11 нафар киши ҳалок бўлган.

Непал ва Ҳиндистон шимолида 6,9 балл кучи билан рўй берган зилзила оқибатида 11 киши ҳалок бўлиб, ўнлаб одам жараҳатланди. Зилзила эпимаркази Ҳиндистоннинг тоғли Сикким штатида қайд этилди. Бутун штат бўйлаб телефон алоқалари узилган, пойтахт Гангтогда электр линиялари ишдан чиққан. 50 мингга яқин аҳоли яшайдиган пойтахтда бир неча бино қулаб тушган, йирик автомобил йўллари вайрон бўлгани ҳам хабар қилинмоқда. Зилзила қўшни Бутан, Бангладеш ҳамда Ҳиндистон пойтахти Дехлида ҳам сезилди.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди


## БИЗНИНГ ШАРҲ

# Европадаги молиявий бўҳрон

## ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?

2008 йил АҚШда юзага келган ипотека инқирози жаҳон молия бозорига жиддий таъсир кўрсатди. Аслида унинг дастлабки аломатлари 2006 йилларда кўзга ташланган. Орадан икки йил ўтиб, кўчмас мулк бозоридagi бўҳрон нафақат АҚШ, балки бошқа мамлакатлар молия тизимини ҳам издан чиқариб юборди. 2007 йилдан то 2011 йилнинг августига қадар АҚШдаги 385 та банк касодга учраб, фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Бу нохуш ҳолат кўҳна қитъа — Европада ҳам қузатилмоқда.

Ҳозир Еврохудуд оғир кунларни бошдан кечирмоқда. Хусусан, Грецияни дефолтдан асраб қолиш учун Европа Иттифоқи барча кучларни сафарбар этмоқда. Болкондаги мамлакатнинг қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 140 фоизини ташкил этмоқда. 2010 йили Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта жамғармаси Грецияга 3 йил муддатга 110 миллиард евро миқдорда маблағ ажратди. Жорий йилда яна қўшимча ёрдам кўрсатилди. Мамлакатни танглидан кутқариш режасига кўра, инвесторлар томонидан сотиб олинган облигациялар анди узоқ муддатга белгиланган қимматбаҳо қозоғга алмаштирилиши даркор. Бундан хусусий сармоядорлар 20 фоиз миқдорда зарар кўришади, Европадаги йирик банклар газаси эса 20 миллиард еврога камаяди. Ҳозир қитъадаги 90 та йирик банклар Грецияга қарашли 98 миллиард евролик давлат облигацияларини ушлаб турибди. Грецияликларнинг фикрича, бугунги молиявий бўҳрон сўнгги марта мамлакатда ўтказилган Олимпиада ўйинлари учун сарфланган харажатлар билан боғлиқ.



қўшимча 3 фоиздан солиқ ундиришни кўзда тутмоқда. Молия вазир Жюлио Тромонтининг айтишича, янги режа 2011 йилда бюджет камомадини ЯИМнинг 3,9 фоизигача туширишни таъминлайди. Давлат харажатларини қисқартириш ва янги солиқ тизимининг жорий этилиши ҳисобига 2012 йилда 20 миллиард евро 2013 йилда эса 25 ярим миллиард евро тежаллади. Бир вақтнинг ўзида конституцияга тузатиш киритиши орқали парламент аъзолари сони икки бараварга камайтирилади. Эслатиш жоизки, айни пайтда куйи палатада 630 нафар депутат, юқори палатада эса 315 нафар сенатор фаолият юритмоқда.

Сўнгги 2 ой ичида Франциядаги САС 40 биржа индексининг қиймати қарийб 25 фоизга тушиб кетди. Жорий йилнинг 3-9 август кунлари биржа бозори 70 миллиард евро йўқотди. Еврокомиссия раиси Жозе Мануэл Боррозунинг фикрича, Standard&Poors "Moody's", "Fitch" рейтинг агентликларини Европа молия бозоридagi қарз мажбуриятига оид вазирятни мувофиқлаштириш ишларига тўқсинлик қилаётганлиги да айбланган. У Европада ҳам муштари рейтинг агентлиги ташкил этилиши, жаҳон бозорининг 95 фоизини назорат қилиб турган АҚШ "Катта учлиги" йўриғидан чиқиш кераклигига эътибор қаратган. Германия расмийлари ҳам маъмуриятни қўллаб-қувватламоқда.

Узоққа бормайлик: Бундан 4 йил муқаддам АҚШдаги "Леман Бразерс" инвестиция банки қатор муаммоларга тўқнаш ке-



Брюсселдагилар наздида ҳозирги глобал молиявий инқирознинг бош айбдори рейтинг агентликларидир. Бошқа таҳлилчиларнинг фикрича, аслида айбдорларнинг сон-саногий йўқ. Ўз ишига масъулиятсиз ёндошган хусусий банк раҳбарлари, малакасиз, калтабин марказий банк бошлиқлари, учар чайқовчилар, албатта қарз олиб, уни узолмай, омонатга хиёнат қилган банк мижозлари Европадаги молиявий бўҳронга сабабчидир.

Европада молиявий инқироз жиддий тус олдики, у қитъа пул бирлиги ва айнан Европа Иттифоқи келажагини шубҳа остига қўйди. Агар Европа Иттифоқи бўҳрондан чиқиш борасида янги уч агентлик билан нафақат марказий банклар раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, балки АҚШ федерал заҳира тизими, Евроки, айни пайтда куйи палатада 630 нафар депутат, юқори палатада эса 315 нафар сенатор фаолият юритмоқда.

Сўнгги 2 ой ичида Франциядаги САС 40 биржа индексининг қиймати қарийб 25 фоизга тушиб кетди. Жорий йилнинг 3-9 август кунлари биржа бозори 70 миллиард евро йўқотди. Еврокомиссия раиси Жозе Мануэл Боррозунинг фикрича, Standard&Poors "Moody's", "Fitch" рейтинг агентликларини Европа молия бозоридagi қарз мажбуриятига оид вазирятни мувофиқлаштириш ишларига тўқсинлик қилаётганлиги да айбланган. У Европада ҳам муштари рейтинг агентлиги ташкил этилиши, жаҳон бозорининг 95 фоизини назорат қилиб турган АҚШ "Катта учлиги" йўриғидан чиқиш кераклигига эътибор қаратган. Германия расмийлари ҳам маъмуриятни қўллаб-қувватламоқда.

Узоққа бормайлик: Бундан 4 йил муқаддам АҚШдаги "Леман Бразерс" инвестиция банки қатор муаммоларга тўқнаш ке-

лаётганини била туриб "уч баҳодир" унинг ерга қуламаслигига ишонч ҳосил қилган ҳолда юқори баҳо қўйиб келгани кўпчиликнинг ёдида. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бу қудратли уч агентлик билан нафақат марказий банклар раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, балки АҚШ федерал заҳира тизими, Евроки, айни пайтда куйи палатада 630 нафар депутат, юқори палатада эса 315 нафар сенатор фаолият юритмоқда.

Сўнгги 2 ой ичида Франциядаги САС 40 биржа индексининг қиймати қарийб 25 фоизга тушиб кетди. Жорий йилнинг 3-9 август кунлари биржа бозори 70 миллиард евро йўқотди. Еврокомиссия раиси Жозе Мануэл Боррозунинг фикрича, Standard&Poors "Moody's", "Fitch" рейтинг агентликларини Европа молия бозоридagi қарз мажбуриятига оид вазирятни мувофиқлаштириш ишларига тўқсинлик қилаётганлиги да айбланган. У Европада ҳам муштари рейтинг агентлиги ташкил этилиши, жаҳон бозорининг 95 фоизини назорат қилиб турган АҚШ "Катта учлиги" йўриғидан чиқиш кераклигига эътибор қаратган. Германия расмийлари ҳам маъмуриятни қўллаб-қувватламоқда.

Узоққа бормайлик: Бундан 4 йил муқаддам АҚШдаги "Леман Бразерс" инвестиция банки қатор муаммоларга тўқнаш ке-

лаётган инқироз — европаликлар учун бир неча ўн йиллар давомиди, ҳатто 1957 йили имзоланган Рим шартномасидан кейинги даврдаги жиддий синов. Мабодро евро барбод бўлса, Европа ҳам қулайди. Агар бу хавфни бартараф эта олма-сак, Европа учун ақлбодар қилмайдиган оқибатлар юзага келиши мумкин.

Европа Иттифоқи Президенти Херман Ван Ромпей: "Еврохудуддаги инқироз Европадаги интеграциялашув жараёнини кучайтиради. Мен бунга қатъий ишонман".

Европадаги айрим таниқли шахслар очикдан-очик Европа қўшма Штатларини ташкил этиш керак, деган фикрларни ўртага ташламоқда. Германия собиқ канцлери Герхард Шрёдер эса биз Еврокомиссияни ҳукуматга айлантиришимиз, у Европарламентга бўйсунishi керак, дейди. Бу ўз-ўзидан Европа Қўшма Штатларининг ташкил этилишини англатади. Европада яшовчиларнинг кўпчилиги иқтисодий ва сиёсий интеграциялашувга қарши эканликларини яширмапти. Масалан, Германияда ўтказилган сўнгги сўровларга кўра, мамлакат аҳолисининг 76 фоизи еврога умуман ишонмаслиги, еврооблигацияларнинг жорий этилишига қарши эканлигини билдирган.

Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директори Кристин Лагард: "Жорий йил ёздаги воқеалар бизни янги хавфли боқичка ўтганимиздан огоҳ этди".

Германия собиқ канцлери Герхард Шрёдер: "Бу инқироз бизнинг бюджет, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатсиз, умумий валюта худудига эга бўла олмаганимизни тасдиқлаб турибди".

Азимжон ПҮЛАТОВ

## РАНГИН ДУНЁ

XX аср бошларида адабиёт ва санъат соҳасида "футуризм" оқими ҳукм сурган. Ана шу оқим тарафдорлари орасида Герберт Уэлс "футурист башоратчи" номини олган эди. Герберт Уэлс айтганидек, бугунги кунда одамзотга ўзга сайёраликлар хавф тудирмаётган бўлса-да, бироқ, у ва унинг ҳамкасблари томонидан билдирилган башоратлар ва ўй-фаразлар бугун ҳақиқатга айланиб улгурди.

Масалан, Фаддей Булгариннинг "Ҳақиқатга яқин уйдирмалар ёхуд йигирма тўққизинчи асрда дунё бўйлаб саёхат" ("Правдоподобные небывальши, или Странствования по свету в двадцать девятом веке" (1824 й.) очерклар тўпламида кубт музларининг эриши инсониятга жиддий хавф туддириши ҳақида башорат қилинган. Шунингдек, у ҳозирги гаввосларнинг махсус кийими — аквалангни ҳам ҳаёлот оламида тасаввур қилган: сузувчилар сув ўтказмайдиган матоли кийим, юзларига шохли ниқоб, елкаларига иккита теридан асалган қоп осиб суваг шўнғишади, сув остида нафас олиш учун ичи хаво билан тўлдирилган қоплардан най орқали фойдаланишади. Владимир Одоевскийнинг "4338 йил" (1824 й.) романида ҳозирги интернет тармоғи би-

лан боғлиқ башорат илгари сунрилган. Ушбу романда бир-биридан анча узоқ масофада жойлашган таниш-билишлар уйларига ўрнатилган магнит телеграф орқали бемалол суҳбатлаша олишлари ёзилган. Ўз-ўзидан маълумки, ёзувчининг бу фарази кўз олдимизда интернетни намойён қилади. Эдвард Беллами "Орта назар" ("Взгляд назад") романини 1888 йилда ёзган. Романдаги воқеалар 2000 йилда юз бериши, одамлар пул ўрнида пластик картчалардан фойдаланишини тахмин қилган. Жюль Верн эса нафақат "Наутилус" сув ости кемаси, балки Ойга парвоз этиш ҳақидаги уйлари билан машҳур бўлган. Ёзувчи "2889 йилда америкалик журналистнинг ҳаётидан бир кун" ҳикоясида автомат эшик, фоно-

# Ҳақиқатга айланган башоратлар

телефон, ҳатто телефон орқали суҳбатдошини кўриш имконини берувчи аппаратни илк бор тилга олган.

Жон Жекоб Астор IV "Ўзга оламларга саёхат" ("Путешествие в другие миры", 1984 г.) романида электромобиль ҳамда автомобиллар йўналишининг марказий назорати йўлга қўйилишини башорат қилган. Маълумотларга қараганда, Жекоб "Титаник" кемаси ҳалокатга учраган чоғида вафот этган экан. Қарангки, фантаст ёзувчи Морган Робертсон "Титаник" кемаси ҳали қурилмасидан аввалроқ унинг ҳалокатини олдиндан башорат қила олган. У 1898 йилда "Беҳудалик" романида "Титан" кемаси (кема номини бир-бирига ўхшашлигини қаранг) апрель ойининг совиқ кунларида айсберг билан тўқнаш келиб чўкиб кетгани, деб ёзади. Романда таъриф берилган кема тезлиги ва кўри-нишидан бизга маълум "Титаник" кемасининг ўзгинаси эди. Шунингдек, Герберт Уэлс "Ухлаётган уйғонади" ("Спящий пробуждается", 1899г.) романида эскалатор, аудиокитоб, пле-



ер ва телевизорни башорат қилган бўлса, Роберт Хайнлайн ўз асариди ("Ковентри", 1940 г.) электр қўл қуритгич ҳақида

ёзади. Орадан саккиз йил ўтиб, Хайнлайннинг башорати ижобатини топиб, ушбу товар дўконларда пайдо бўла бошлади.

Артур Кларк 1945 йилда ёзган "Радиодунё" ("Радиомир") романида геостационар орбитага аниқ таъриф берган. Спутник 35 786 км. баландликда Ер атрофини 24 соатда айланиб чиқиши радиосигнални трансляция қилишга ниҳоятда қулайлик яратди, деган. Ҳозир бу орбита "Кларк белбоғи" деб номланди.

сунъий йўлдош орқали кўрсатув узатадиган телекомпаниялар ундан фаол фойдаланишмоқда. Иван Ефремов "Олмос қувур"

("Алмазная труба", 1942 г.) ҳикоясида Якутияга қилинган геологик экспедиция чоғида олмос кони топилгани ҳақида ҳикоя қилади. Тасодифни қарангки, 1954 йили хикояда баён этилган шубҳам йўқ. Айтилик, Олег Дивовнинг "Симбиоты" романи таъмонан нанотехнологияга бағишланган бўлса, Сергей Буркатовскийнинг "Война 2020" романи космик технологиясининг ривожланишига қаратилган. Еки бўлмаса замонавий фантастларнинг "Пятая стена" тўпламини олайлик, унда ақли уй ҳақида ёзилган. Асардаги воқеалар чамаси ўн йилларда албатта рўёбга чиқиши мумкин. Ишончим комилки, техник янгиликлар кашф қилиниши тасодифан башорат қилинган ҳамда ҳозирги пайтда Уэлс ва Хайнлайннинг башорати рўёбга чиқиши учун оралик вақтга ҳеч қандай хожат қолгани йўқ. Ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ башоратларда эса тиниб-тинчимас фантастлар яна нималарни ўйлаб топишмапти, дейсиз.

"Аргументы и факты" материаллари асосида М. ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади

**МАДАНИЯТ  
ХАБАРЛАРИ**

**Сиз билан  
фахрланаман**

Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент Фотосуратлар уйи, "Эпсон" компаниясининг юртимиздаги расмий вакили "Широкий формат" МЧЖ ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган "Сиз билан фахрланаман" II-Республика бадий фотосуратлар танлови ўтказилди.

Тантанали очилиш маросимида танлов ғолиблари, совриндорларга мукофотлар ва сертификатлар топширилди. Кўргазмада қирқдан ортиқ профессионал ва хаваскор фотосуратқашлар юзга яқин ижодий ишлари билан қатнашишди. Ушбу асарларда республикамизнинг машҳур кишилари, турли касб эгалари акс этган. Ҳар бир ижодкор ўз ишига астойдил ёндошган. Айрим ижодкорлар ўз фотосуратларида эл суйган марҳум санъаткорларни, узоқ умр кўрган қарияларни, кўлигул уста ва хунармандларимиз сиймосини фотообъектив орқали кўрсатишга ҳаракат қилишган. Кўргазма шу йилнинг 5 октябрга қадар давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

**Музейга  
ташриф**

Термиз Археология музейида "Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида ўтказилган археологик тадқиқотлар" мавзусида кўргазма бўлиб ўтди.

Кўргазмага қўйилган фотосуратларда Термиз, Тиллабулоқ, Далварзиптепа, Кампиртепа, Кўргонзол, Бандихон, Жондавлаттепа, Дабилкўрган ёдгорликларида ўзбек ва хорижий қадимшўнослар ҳамкорлигида олиб борилган тадқиқот натижалари ўз аксини топган. Шунингдек, музей фаолиятига оид рисола, буклет ва хариталар, сайёҳлар учун мўлжалланган қўлланма ва эсдалик альбомлари кўргазмага ташриф буюрган томошабинларга қўл келди. Айниқса, ҳали бирор марта ҳам музейга келмаганлар ана шу қўлланмалар орқали жуда фойдали маълумотларга эга бўлишди.

Мухтасархон  
КАРИМОВА

**Миллий таомлар  
фестивали**

Пойтахтимизда аънавий "Тасанно — 2011" пазандалик санъати фестивали бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамда Ўзбекистон ошпазлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. 2004 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу фестивалда Ўзбекистон, Хитой, Ҳиндистон, Чехия, Италия, Греция, Украина, Вьетнам, Иордания, Жанубий Корея, Индонезия, Эрон, Туркменистон, Қирғизистон каби кўплаб давлатларнинг миллий таомлари намойиш этилди.

Тадбирда турли мамлакатлар халқларининг маданияти, урф-одатлари, қадрият ва аънавалари, миллий либос ва таомлари, ранг-баранг қўшиқ ва рақслари ижро этилди.

"Туркистон-пресс"

**СУЛОЛА**

*Қадимда машҳур кулол яшаган экан. У йиллар давомида ўз касбини удулаб, юртда хурмат-иззат қозонибди. Бироқ, тақдир тақозоси билан ўзга юртга кўчишга мажбур бўлибди. Бунга қарангки, уста юртни тарк этгач, гўё бу ернинг маданияти, санъати ҳам кулол билан бирга кўчиб кетгандек бўлибди...*

Одамзот пайдо бўлибдики, кулолчилик буюмларига эҳтиёж сезган. Шу боис халқ амалий санъати ҳисобланмиш кулолчилик энг қадимий, аънавий касблар сирасига қиради. Сопол буюмларнинг яратилиши тупроқ, сув, олов ва ҳаво билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳам кулол тимсоли ижодкорни улғулоччи касб ҳисобланади.

Ҳар бир уста ўзи яшайдиган маконда ўша жой тарихи, маданияти, урф-одатларини асарларида жамлаши табиий. Асарлар ҳам ўз-ўзидан яратилмайди. Қадимги услублар ривожланиб, уларга янгилик киритилади. Бу эса кулолчилик санъатининг давомийлигини таъминлайди. Йиллар ўтгани сайин усталар етишиб чиқаверади. Ва ҳар бир уста ўзи яратган услублари орқали яшаётган юрти қадрини оширади.

Кулол устахонасига ошиқалётган 10-11 ёшли мактаб ўқувчиларини кўрганмида беихтиёр шулар ҳақида ўйладим. Бу даргоҳга келишни ҳатто бочча болалари ҳам интизорлик билан кутишади. Алишер Раҳимов отаси ва устози Акбар Раҳимов билан биргаликда кулолчиликнинг сир-асрорларини болажонларга сира эринмай ўргатишади. Кунт ва сабр-тоқат талаб этувчи бу санъат тури тарихи қадим-қадимларга бориб тақалиши ҳақида сўзлаб беришди.

— **Болаларга бу хунарни ўргатиш қийин эмасми?** — сўрайман улардан.

— Дарс берган куним умуман ишлай олмайман, — дейди Алишер Раҳимов. — Аммо уларга ўз хунарини фақат ўргатаман десам нотўғри бўлади. Мен болажонлардан ўрганаман ҳам. Уларнинг фикрлари, дунёқараш шунчалар самимийки, ҳайрон қоламан. Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди. "Буюк Ипак йўли" кўргазмасига тайёргарлик жараёнида болаларга туянинг расмини чизишни топширдик. Шунда бир бола-кай канотли туя тасвирини яратди. Ишонасизми, айнан ўша — канотли туя тасвири кўргазма тисмолига айланди. Насиб қилса, ёшларнинг кўргазмасини ташкил қилиш ниятидаман. Сабаби, санъатга ошно инсон-

**КЎЗГУ**



**Тўрт унсур  
мўъжизаси**

дан ёмонлик чиқмайди. Болажонларимизнинг миллий хунарларимизга, аънава, урф-одатларимизга нисбатан меҳр, муҳаббат қўйиб тарбия топишларини истайман.

Уста ижодхонасига қадам қўйишим билан у кичик шогирдлар ясаган ишларини мақтай кетди. — Қаранг, бу олти ёшли боланинг иши, мана бунисини саккиз ёшли ўқувчим ясаган...

Алишер Раҳимов болалар ишлаган ҳар бир буюмни таърифлаётгандаги кўзлари чакнаб, кўнглини фахрланиш ҳисси чулғаб олганини англаш қийин эмасди.

— **Болалигини қандай хотирлайсиз?**

— Тўрт ёшимдан бошлаб боланинг устахонасида иш ўрганганман. Ушанда кўлимга лой олганимда кўл нарсани тушунмаган эканман. Бобом Мухитдин Раҳимов доим: "Ўзингни яхши ҳис қилганингдагина устахонага кириб ижод қил. Ёмон кайфият билан у ерга қадам босма. Бу — пирхона бўлади дердилар".

Асли ижодимни мустақиллик билан тенг бошлаганман. 1991 йилда янги йилга бағишланган илк кўргазма ташкил қилинганди. Ундан кейин яна қанча-қанча кўргазмалар ўтказиш, иштирок этиш насиб қилди. Шу касб орқасидан юртга танилиб, қадр топдик. Энди-энди бобомнинг гапларини тушунгандек бўламан. Тўрт унсур — тупроқ, сув, олов ва ҳаво омихталигида

яратиладиган санъат асарини ҳоҳиятда меҳр талаб қиларкан. Лой билан ишлаш инсонга кайфият беради. Қўлимга лой олганимда мен учун чегара йўқлигини ҳис қиламан. Ундан ўзим истаган нарсани тайёрлай олишим эса мени ҳаяжонга солади. Лойнинг қалинлиги, ранги нима ясашим кераклигини гўё ўзи айтаётгандек бўлади. Бунга юрагим билан ҳис қиламан. Ана шунда кайфиятим яратаётган асаримга бевосита кўчади. Таъжиб ҳолатда бўлсам ишим юришмайди. Қўнглимдагидек ишларни кайфиятим яхши пайтадигина ярата оламан.

Бирок юртимизнинг ширали — ёпишқоқ, қизил тупроғига жон бағишлаш ҳам мураккаб вазифа. Обдон пишиштиб, тайёрланган лойга чарҳда шакл берилади. Ана шу жараёнда уста ҳаёлида яратаётган асарининг шаклига қараб унга қандай ранг бериш кераклигини ҳис этади. Тайёрланаётган буюмнинг тағ қисми қоплангач, у пиширилади. Бу ҳам қийин жараён. Обиоташ устанинг фикрларига кулоқ солармикан? Ахир Алишер Раҳимов ҳар куни олов билан сирлашади. Унга ҳаёлидаги асарни тушунтиришга интилади. Пишиб чиққан иш сирланади. Сўнг яна оби-оташ ҳукмига топширилади.

— Ишимнинг энг қизик ва қийин томони ҳам шу, — дейди уста. — Охириги жараёнга ясаганларим қай ҳолатда тайёр бўлишини билмайман. Ҳар

сафар худди биринчи мартажа асар яратаётгандек ҳаяжонланаман.

Алишер Раҳимов кулоллар сулоласининг олтинчи авлоди. — Бу нарсани доим янгилик яратишга ундайди, — дейди у. — Сабаби, олтинчи авлод вакили сифатида мен боболарим қолдирган хунарни пухта эгаллашим, шу билан бирга ўз услубимни топшим керак. Кулоллар сулоласининг олтинчи авлоди янгилик яратиб, аждодлар олдидаги бурчини адо этиши лозим. Ана шундагина масъулиятли вазифамни адо этган ҳисобланаман.

Алишер Раҳимов яратган асарларидан иссиқ ранглари ёқтириши яққол сезилади. Масалан, сариқ ранг уйғунлигида яратган асарлари ўзгача дид билан ишлангани киши эътиборини тортмай қўймайди.


— Сариқ рангни зиёга, нурга ўхшатаман, — дейди у. — Табиатни кўринг, бизга иссиқлик бахш этувчи порлаб турган кўшимиз ҳам сариқ рангда. Бу ранг бошқа ерда учрамайди.

Унинг сўзана ва кулолчилик синтези услубига бағишланган ишларини кўриб, ундаги ранглари уйғунлигига қойил қолсан киши. Анор, бодом гуллари туширилган сариқ рангда ишлов берилган идишлардан нур таралаётганга ўхшайди.

Бир неча йиллардан бери уста, "Шухрат" медали соҳиби Алишер Раҳимов мунтазам равишда санъат ихлосмандларига янги ишларининг кўргазмасини намойиш қилади. Ҳар олти ойда кулолдан янгилик кутади-ган мухлислар эса талайгина. У тарихий услубларни тиклаш билан бирга замонавий йўналишда ҳам ижод қилади. Ижоднинг муваффақияти, ютуғи ҳам шунда бўлса керак.

Тошкентнинг Кўкча Дарвоза даҳасига йўлингиз тушса, Раҳимовлар оиласи истиқомат қиладиган ва бир неча йиллардан бери мухлислар ва санъатга ошно инсонларни бағрига чорлаётган Тошкент кулолчилик мактаби аънаваларини замонавий руҳда давом эттираётган хонадонга албатта кириб ўтинг. Ҳақиқий мўъжизани ўз кўзингиз билан кўрасиз. Бу ерда устозодлар билан бирга шогирдлар баравар ижод қилишади. Улар тўрт унсур мўъжизасига жон бағишлашади.

Адиба ФАЙЗ,  
"Milliy tiklanish" мухбири



**ЎГИТ**

Улуғлар — булутли ҳавода кўёш,  
Сувга ботган чўғдир ҳасадчи бебош.  
Улуғ яна балқиб чиқар булутдан,  
Сувга чўккан олов ёнмас куч билан.

**БИЛАСИЗМИ?**

Астрономлар орбитада кўёши иккита сайёра борлигини аниқлашди. Ушбу сайёранинг номи Kepler-16b бўлиб, Ердан 200 нур йил узоқликда жойлашган.

«Мир» космик станцияси ер орбитасига яқин энг ёрқин сунъий иншоот ҳисобланади. Астрономларнинг ҳисоблашича, иншоот Альфа Центавра юлдузидан кам ёруғлик таратмайди.

**ТУРФА ОЛАМ**

**Мўъжазгина печ**

**ELECTROLUX** КОМПАНИЯСИ ONDA DEJA NOM OLGAN MЎЪЖАЗГИНА МИКРОТЎЛҚИНЛИ ПЕЧНИ ОММА ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТДИ.

Манбада қайд этилишича, ушбу мўъжазгина микро-тўлқинли печ америкалик ёш дизайнер Мэттью Шварц гоёси асосида ишланган. Бирок, Onda оддий микро-тўлқинли печдан анча фарқ қилади. Масалан, у мустақил равишда б и р о р та о м тай-ёрлай о л м а й д и. Уни ким-дир назорат қилиб туриши лозим. Бир сўз билан айтганда, Onda махсус идишчаларга жойланган махсулотларнигина тайёрлаб бериши мумкин.



**Муз даври одами**

**РОССИЯЛИК ОЛИМЛАР МУЗ ДАВРИДА ЯШАГАН ОДАМЛАРНИНГ СУЯК ҚОЛДИҚЛАРИГА ДУЧ КЕЛИШДИ.**

Тобольск дарёси бўйлаб экспедицияга чиққан олимлар кутилмаганда ўта қадимий ҳайвонлар — мамонт ва каркидон суюқ қолдиқлари ёнидан одам скелетини ҳам топилган. Текширув чоғида одам скелети бир кишига тегишли эмаслиги маълум бўлади. Ҳозирда топилма ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида ДНК таҳлилини ўтказиш кўзда тутилган.



**Тошдаги из**

**ПОЛЬША МУЗЕЙИДА ЯРИМ АСРДАН БУЁН ҚАРОВСИЗ ЁТГАН ТОШДАН ДИНОЗАВРГА ТЕГИШЛИ ОЁҚ ИЗЛАРИ ТОПИЛДИ.**



Гап шундаки, археологлар процератопс динозаврининг суюқ қолдиқлари билан ишлаш чоғида унинг ёнидаги тошда аллақандай излар борлигини пайқаб қолишган. Текширув натижалари из ҳақиқатан ҳам процератопс динозаврига тегишли эканини тасдиқлаган. Динозавр скелетига келсак, уни 1965 йили Гоби чўлидан поляк ва мўғул палеонтологлари топиб олишган экан. Айни чоғда музей янгидан кашф этилган топилмани кўргазмага қўйишни режалаштирмоқда.

**Улкан шоколад**

**ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИ НАВБАТДАГИ РЕКОРД НАТИЖАНИ ҚАЙД ЭТДИ.**



Гап дунёдаги энг улкан шоколад ҳақида кетаяпти. Уни америкалик қандолатчилар тайёрлашган. 5,5 тонна келадиган шоколад плитка тўрт бўлакдан иборат. Бундай улкан шоколадни тайёрлаш учун 2,5 тонна шакар, 907 килограмм қуруқ сут, 771 килограмм какао ва 635 килограмм шоколад ликёри кетган. Ёдингизда бўлса, 2010 йили Арманистонда худди ана шундай улкан шоколад тайёрланган эди. Ушанда унинг оғирлиги 4,4 тоннани ташкил қилган.

**3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**